O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 24-yanvar № 11-12 (3049) seshanba

2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлисининг кун тартиби ўтган 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини баҳолаш ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олиш масалаларига бағишланган.

2011 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг амалий якунлари таҳлилига ўтишдан олдин кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва аввалambор турли салбий тенденциялар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни ўринли деб биламан.

Шулар ҳақида гапирганда, дунёдаги таниқли иқтисодчилар, нуфузли эксперт ва мутахассисларнинг баҳолари ва чиқараётган хулосалари принципиал жиҳатдан ягона бир фикрга келмоқда.

Жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-бери салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда.

Кўпгина тараққий топган мамлакатларда вазият қандай тус олишини олдиндан айтиб бўлмайдиган ва турли хавф-хатарлар сақланиб қолаётган бир шароитда давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестицияви фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

«Саккизлик» ва «йигирмалик» деб аталган мамлакатлар гуруҳлари доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модель ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

Шуни тан олиш керакки, сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар асосан қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилиши кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, жаҳон бозорида кечаётган инқироз жараёнлари ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмади ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Биринчи навбатда, дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Шундай муаммоларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрланишимиз учун бугун барча асосларимиз бор.

Охирги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан бундай дейилади:

«Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди... Миссия 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолишини башорат қилмоқда».

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Узбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Мана бу рақамларга алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман. 2012 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмайди. Бу халқаро мезонлар бўйича «Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат» деб ҳисобланади.

Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганимиз билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу ўринда мамлакатимиз молия-банк тизимида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни мамнуният билан қайд этмоқчиман.

2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган ижчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

(Давоми 2-3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида жаҳонда умумэътироф этилган ривожланишнинг «ўзбек модели»ни ҳамда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш натижасида, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқирозли ҳолатларга қарамай, 2011 йилда мамлакат иқтисодиётини ўстиришнинг юқори суръатлари барқарорлиги ва макроиқтисодий мувозанатлилик таъминланганлиги қайд этилди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тотувликни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий маданий марказлар фаолиятини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Борисов Павел Михайлович — Республика поляк миллий маданий маркази фаоли, В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи бўлим мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Шахмаев Равкат Рашидович — Хоразм вилояти татар миллий маданий маркази раиси, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари

(Давоми 3-бетда).

Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш иштирокчиларига

Ҳурматли ватандошлар!
Қадрли дўстлар!

Сиз азизларни ва сизларнинг сиймонгизда кўпмиллатли бутун мамлакатимиз халқини Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Биз ушбу қутлуғ санани Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик байрами шукуҳи қалбларимизда давом этаётган шу ёруғ кунларда нишонлаётганимизнинг теран рамзий маъноси бор, албатта. Бу тарихий сана тимсолида биз энг аввало мустақил тараққиётимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қандай муҳим аҳамият бериб келинаётганининг яққол далолатини кўрамиз.

Юртимизда бу айёмни кенг нишонлар эканмиз, ҳаммамиз, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари Ватанимизнинг неча минг йиллик қадимий тарихи давомида мана шу саховатли ва ҳамиша меҳмондўст заминда турли маданият ва цивилизацияга мансуб бўлган инсонлар ўзаро тинч-тотув яшаб келганини юксак қадрлаймиз. Айни шундай маънавий муҳит ўзининг бағрикенглиги, меҳр-оқибатлилиги, тинчликсеварлиги ва қалб саховати билан ажралиб турадиган халқимизнинг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим омил бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Ана шундай миллий ранг-баранглик ва шу билан бирга, ягона халққа хос бирлик туйғуси — бу нафақат ноёб хусусият, балки ҳар биримиз учун ҳаётбахш таъсирини ва барчамизни ўзаро бойитишдаги аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган улкан қадриятдир.

Шу маънода, бизнинг энг катта бойлигимиз, энг асосий ютуғимиз — бу, аввало, Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқароларо аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитидир, десам, ишончим комилки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда этник ўзига хослиги, тили, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечирмоқда. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, Ватанимизни янада равнақ топтириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш мақсадида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш йўлида улар ўзларининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшаётганини биз юксак қадрлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий асослар ва зарур шарт-шароитлар яратилди. Бағрикенглик маданиятини тарбиялаш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда миллий маданий ранг-баранглик ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида қаралиб, барқарорликни таъминлаш омили бўлиб хизмат қилаётгани ва жамиятимизнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан илгарилаб боришида муҳим роль ўйнаётгани, биз Ўзбекистон деб атайдиган умумий уйимизда турли миллий маданиятларнинг бетакрор ва бой уйғунлигини шакллантираётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Бугунги қутлуғ айёмда барча миллий маданий марказларнинг раҳбарлари ва фаолларига муқаддас заминимизда тинчлик ва фаровонликни сақлаш, фарзандларимиз ва набираларимизнинг келажаги, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлидаги беғараз ва олижаноб меҳнатлари учун ўзимнинг чуқур ва самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдираман. Ўтган 20 йил мобайнида чинакам дўстлик масканига айланган Республика байналмилал маданият марказининг кўп қиррали фаолияти ана шундай юксак мақсад ва вазифаларнинг амалий намоёни бўлиб келаётгани ҳаммамизни албатта хурсанд қилади.

Қадрли дўстлар, барчангизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман, Ўзбекистонда яшаётган миллат ва элат вакилларининг бугунги ҳаёти ва келажаги йўлидаги олижаноб ва ғоят масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар ёр бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Фото А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 20 январ куни Республика байналмилал маданият марказининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Республика байналмилал маданият марказининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш санъат усталари ва мамлакатимиз миллий маданий марказлари бадиий жамоалари иштирокидаги байрам гала-концерти билан якунланди.

(ЎзА)

Ishonch
2012-yil 24-yanvar № 11-12 (3049)

2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, «Стандарт энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда «барқарор» рейтинг даражасини бермоқда, айни пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки «барқарор» рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда.

Маълумки, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани айниқса эътиборлидир.

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар-юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоиздан ортиғини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим, деб ўйлайман.

Бизнинг иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъанавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди, деб бугун тўла асос билан айтишимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда банкларга берилган 164 та банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу вазифаларни бажаришга ўз ҳиссасини қўшган барча банк раҳбарлари, мутахассис ва хизматчиларга ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Энди, рухсатингиз билан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларимизнинг натижалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011 йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир.

Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кунни-кун, тунни-тун демасдан, қилган фидокорона меҳнатлари учун фермер ва деҳқонларимизга яна бир бор миннатдорлик билдириб, ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, ҳали-бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Шуни очиқ тан олиш керакки, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Ўтган йили 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмади. Натижада 120 миллиард сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинадиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмаганда ҳам, йўқотиш қарийб 100 миллион долларни ташкил этади.

Ўтган йили 1 минг 500 та фермер хўжалиги давлат захирасига ғалла сотиш бўйича 18 миллиард сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмидаги шартнома мажбуриятини бажармади.

Ана шу масалалар юзасидан ҳар бир вилоят ва туман бўйича тегишли хулосалар чиқарилиши керак. Бунда, энг аввало, фермер хўжаликларига ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартибга риоя қилинишини, шу борада қонун бузилишларига йўл қўймасликни таъминлаш зарур.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди.

Йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим.

Бу кўрсаткич, аввало, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланди. Бунда ҳисобот йилида аҳоли учун Интернет хизматларидан фойдаланиш тарифларини 22 фоизга камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини Интернет тармоғидан фаол фойдаланмоқда.

Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2011 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур.

2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

Ўтган йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан — корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани айниқса муҳимдир.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, «Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон» қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида «Зенит электроникс» қўшма корхонасида «Самсунг» кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида «MAN» юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди.

Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизилиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди.

Тошкент — Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиладиган «Талго-250» йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Бу поездлардан фойдаланиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 600 километр узунликдаги йўллар қайтадан тикланди, 68 километрдан иборат янги темир йўллар ётқизилди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари темирйўл вокзаллари реконструкция қилинди ва қайтадан жиҳозланди.

Ўтган йил мобайнида телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жиззах — Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда. Юртимизда аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми 38 фоизга етгани ҳам шу борадаги улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

2011 йилда логистика марказлари фаолияти жадаллашди. Хусусан, «Навоий халқаро интермодаль логистика маркази» орқали 50 минг тонна юк ташилди. «Ангрен логистика маркази» ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчиқ довони орқали 4 миллион 200 минг тонна, яъни 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилди.

Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлди.

2011 йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айни пайтда — шунга эътибор беришингизни сўрайман — аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда.

Сир эмаски, биз мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратмоқдамиз.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Бунинг исботи тариқасида қуйидаги мисол ва рақамларни келтирмоқчиман.

Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди.

Айни шу кўрсаткичлар 2000 йилда мос равишда 11,0 ва 3,6 баробарни ташкил этди.

Ҳисобот йилида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганини таъкидламоқчиман.

Олис ва чекка ҳудудларда касб-ҳунар коллежларининг 24 та филиалини ташкил этиш, фаолият юритаётган коллежлар қошида 18 та талабалар турар-жойларини қуриш орқали умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилингани мазкур йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланди. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда 9 минг 400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи ZiyoNet электрон ахборот тармоғига уланганини қайд этиш лозим.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилди. Мазкур келишувлар асосида 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

Ҳукумат қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Маблағларни жамлаш ва дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида ўтган йили махсус жамғарма ташкил этилди ва унинг маблағлари ҳисобидан 2011 йилда бир йилга мўлжалланган 39 миллиард сўмдан ортиқ тадбирлар молиялаштирилди.

Ўтган йили илғор ахборот-компьютер технологиялари билан жиҳозланган, аввало ёшларимизга миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — замонавий ахборот-ресурс маркази ва Симпозиумлар саройини ўзига қамраб олган Маърифат марказининг қуриб битказилгани ва ишга туширилгани мамлакатимиз ҳаётида том маънода улкан воқеа бўлди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

2011 йилда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилди.

Даволаш-профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, уларни замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш жиҳозлари билан таъминлаш учун қиймати қарийб 137 миллиард сўмлик бюджет маблағлари ҳамда 136 миллион долларлик хорижий имтиёзли кредит ва грантлар йўналтирилди.

Умуман олганда, кейинги ўн йил мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган бюджет маблағлари ҳамда имтиёзли кредит ва грантлар 750 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қабул қилинаётган изчил чора-тадбирлар кейинги ўн йилда аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичларини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Ҳар юз минг кишига ҳисоблаганда, ижтимоий хавфи катта бўлган касалликларга чалиниш ҳолатлари, жумладан, туғма нуқсонлар билан туғилиш — 32,4 фоизга, юқумли касалликлар — 40 фоизга, юқори нафас органларининг ўткир инфекциялари билан оғриш — 4,2 баробар камайди. Дифтерия, паратиф, полиомиелит, безгак касалликларига чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди.

2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этди.

Юртимиз таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий талаблар ва халқаро андозалар асосида ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида 2011 йилда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди ва у 2012 йилнинг биринчи кунларидан иш бошлади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида биз эришган бундай катта ютуқлар ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

«Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўнта мамлакат қаторига киритилгани, албатта барчамизга юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳисобот йилида янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди.

Ўтган йил якунлари ҳақида хулоса чиқарар эканмиз, 2011 йил Иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш дастурининг мантиқий давоми бўлди, Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёти тарихида, жамиятимизни изчил демократик янгилаш ва либераллаштириш жараёнида алоҳида ўрин эгаллаган йил бўлди, деб тўла ишонч билан таъкидлашимиз мумкин.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

2012 йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришининг 8,6 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 5,8 фоизга ўсиш суръатлари белгиланмоқда. Шунингдек, истеъмол нархларининг ўсиш даражаси 7-9 фоиз доирасида бўлиши мўлжалланмоқда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиз даражасида сақлаш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг 2012 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоиздан ортиғини социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу, аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси даромадларининг кўпайишига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошиб, ўтган йилга нисбатан уларнинг ўсиш суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади. Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи ёки қарийб 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши айниқса эътиборлидир.

Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истиқболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012 йилда ва ундан кейинги йилларда қўйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.

Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз.

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.

Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Жорий 2012 йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айтиш керакки, ҳозирги вақтда ушбу Жамғарма капитали 9 миллиард доллардан ошиб кетди. 2012 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп демакдир.

Вазирлар Маҳкамаси стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилишини алоҳида назоратга олиши, лойиҳа-смета ҳужжатларининг пухта ишланишини, танлов савдоларининг ўз вақтида ўтказилишини, зарур асбоб-ускуналарнинг етказиб берилиши бўйича шартномалар тузилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаши зарур.

Ҳукуматнинг чорак якунларига бағишланган йиғилишларида қабул қилинган Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурини ва модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган тармоқ жадваллари ижроси таъминланишини кўриб чиқиш ва уларнинг бажарилиши учун ўз вақтида тегишли чоралар кўриш тартибини жорий этиш даркор.

Ўтган йили протокол билан белгиланган топшириққа биноан мамлакатимизнинг барча йирик корхоналари ва ишлаб чиқариш тармоқларида ўтказилган техник аудит натижасида 37 мингга яқин асбоб-ускуна ва технологияларнинг жаҳон миқёсида синовдан ўтган, замонавий турларига алмаштирилиши лозимлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу аудит натижалари асосида бир ой муддатда моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан, уларни молиялашнинг аниқ манбаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, тармоқ жадвалларини тасдиқлаши зарур.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг самараси ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда эскидан қолган ва ҳали-бери рўй бериб келаётган оқсоқлик ҳолатлари борлиги, биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал

Ishonch
2012-yil 24-yanvar № 11-12 (3049)

босқичга кўтарадиган йил бўлади

иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётгани аён бўлади.

Аввало, биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ. Бу ресурсларнинг катта қисмидан кўпроқ ёқилғи сифатида фойдаланяпмиз, холос.

Муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишлари талаб даражасида эмас. Умуман, ушбу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб муаммолар тўпланиб қолганини афсус билан қайд этиш керак.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда ҳам ҳал этилган, деб бўлмайди. Бу камчилик, айниқса, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларга тегишлидир.

Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш борасида ҳам ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун катта маблағ сарфлаймиз, кўп миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этамиз.

Лекин қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фондлардан тўлиқ фойдаланишда, меҳнат самарадорлигини оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар маҳсулотлар таннархининг асоссиз равишда ўсиб кетишига олиб келмоқда.

Бундай вазиятларни танқидий баҳолаб, Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидаги масалаларни ҳал этиши зарур:

Биринчидан. Манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, компания ва корхоналар иштирокида саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чоратадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш лозим.

Иккинчидан. Мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича мавжуд ресурс ва имкониятларни аниқлаш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун қўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган махсус қарор қабул қилиш керак.

Бу борада, биринчи навбатда, маҳаллий хомашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Учинчидан. Бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий кўриб чиқиш лозим. Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарур.

Тўртинчидан. Мамлакатимиздаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва бошқа тармоқларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишини кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот сотишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланиш, асосий ишлаб чиқарувчиларимизни ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш ва янги экспорт шартномалари тузиши учун нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида Ҳукумат қарорини қабул қилиш лозим.

Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала — бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат.

Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти тармоқлар кесимида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор.

2012 йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

Транспорт-коммуникация тармоқларининг инсон танасини қон билан таъминлайдиган ҳаётбахш томирларга ўхшатилиши бежиз эмас, албатта.

Бугунги кунда юксак тараққий топган замонавий мамлакатни иқтисодиёт ривожини, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган магистрал коммуникацияларнинг кенг тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Барчамиз, аввало, вилоят ва ҳудудий тузилмалар раҳбарлари транспорт ва коммуникация, биринчи навбатда йўл қурилиши соҳаси, шунингдек, ижтимоий ва ободонлаштириш ишлари кўп меҳнат талаб этадиган ва айни вақтда яхши ҳақ тўланадиган, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган тармоқлар эканини доимо ёдимизда тутишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда 2012 йилда 517 километрлик автомобиль йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погонметр кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан 12,5 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбек миллий автомагистралини модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда, ушбу лойиҳани амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари сингари халқаро молия тузилмалари фаол иштирок этмоқда.

Мазкур ташкилотлар томонидан 742 километрлик автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши бўйича замонавий техника сотиб олиш учун 1 миллиард 400 миллион долларга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фақат 2012 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 109 миллион доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштириш, 165 километр цемент-бетон қопламали йўлларни фойдаланишга топшириш, жумладан, Қамчиқ довони орқали ўтадиган йўлни реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ажратилаётган маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича амалий чоралар кўриш вазифаси топширилади.

Темир йўллар коммуникацияларини янада ривожлантириш, Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини жадаллаштириш зарур. Шу билан бирга, Тошкент — Самарқанд темир йўл линияси участкасида ободонлаштириш ишларини давом эттириш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездларнинг ишончли ва хавфсиз қатновини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур ишларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлатиши, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаши лозим.

Вазирлар Маҳкамаси «Навоий халқаро интермодал логистика маркази»ни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини, халқаро юклар транзит ҳажмини кўпайтириш, парвозлар географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, «Ангрен логистика маркази»ни модернизация қилиш, ривожлантириш ва жиҳозлаш ишларини қатъий назоратга олиши зарур.

Телекоммуникация тармоғи кўламини кенгайтириш, уни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун қўшимча ресурсларни жалб этиш лозим. Жорий йилда узунлиги 172 километрдан ортиқ бўлган Ургут — Шаҳрисабз ва Бойсун — Денов оптик толали алоқа линияси қурилишини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Айни вақтда 89 та янги база станцияларини барпо этиш ҳисобидан симсиз алоқа зонасини кенгайтириш, Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатгичлар ўрнатиш орқали рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш ва бошқа ишларни бажариш шу борадаги вазифаларимиз қаторига киради.

Телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишларига 2012 йилда 176 миллион доллардан ортиқ ҳажмдаги инвестицияларни йўналтириш режалаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ойда тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбарлари иштирокида 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиши ривожланишини жадаллаштириш тўғрисидаги дастурга мувофиқ кўзда тутилган лойиҳаларнинг ижросини кўриб чиқиши лозим. Бунда ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилишини жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини таъминлаш даркор.

2012 йилда ва ундан кейинги йилларда диққатимиз марказида туриши лозим бўлган устувор вазифалар ҳақида сўз борар экан, Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастурни амалга ошириш масалаларига алоҳида тўхталмоқчиман.

Қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширила бошлаганидан буён, яъни сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган 7 минг 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилди. Бу мақсад учун 576 миллиард сўмликдан ортиқ инвестициялар йўналтирилди, уларнинг 63 фоизидан зиёдини марказлаштирилган манбалар ва «Қишлоқ қурилиш банк» маблағлари ташкил этади.

Жорий йилда умумий турар-жой майдони 1 миллион 200 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган 8 минг 510 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган, бу эса ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўпдир.

Шу билан бирга, давлат маблағлари, такрор айтаман — бюджет маблағлари ҳисобидан турар-жой посёлкаларини қуриш бўйича олдиндан тасдиқланган комплекс режаларга мувофиқ 425 километрдан зиёд водопровод тармоғи, қарийб 260 километр электр линиялари, 375 километр газ тармоқлари ва 306 километр ички йўллар қурилиши режалаштирилган.

Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳисобидан комплекс қурилиш жойларида 26 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та умумтаълим мактаби ва 680 тадан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объекти фойдаланишга топширилади.

Ушбу мақсадларда йил давомида қарийб 810 миллиард сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Умуман айтганда, Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжалланган тасдиқланган дастурини амалга ошириш ишларига 2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу Дастурнинг амалга оширилишида Осиё тараққиёт банки фаол иштирок этмоқда. Мазкур банк қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар қурилишига 500 миллион доллар миқдорида, жумладан, 2012 йилда 160 миллион доллар инвестиция киритишни режалаштирмоқда.

Шу борада масаланинг яна бир жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан унинг ўз маблағлари ва Осиё тараққиёт банкининг заём маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун кредитлар қишлоқ аҳолисига имтиёзли шартларда, 15 йил муддатга йиллик 7 фоизли ставка бўйича берилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг ипотека кредитлари ставкасидан қарийб икки баробар паст бўлиб, моҳият эътибори билан қишлоқда яшаётган оилаларга катта имтиёз ва имконият яратиб беришга қаратилгандир.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш банк» шу йил феврал ойининг охиригача қишлоқ жойлардаги якка тартибдаги турар-жой массивларида уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини молиялашни ва уларнинг қурилиши бошланишини таъминласин.

Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра, аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини сақлаб қолмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури барчамизнинг, аввало, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг диққат марказида туриши зарур. Ушбу дастурга биноан 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шаклларини, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кўламини кенгайтириш ҳисобидан 2012 йилда қарийб 75 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Шу борада биз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир масалага тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур.

Бу йил юртимизда 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз коллеж ва лицейларни тамомлайди. Уларнинг қаерга ишга жойлашишини ҳозирданоқ аниқ белгилаб олиш, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаш — бундай масалаларни алоҳида назоратга олиш лозим.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор корхоналар ва идоралар билан биргаликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар мажмуини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва уни шу йилнинг 1 июнигача амалга оширсин.

Фурсатдан фойдаланиб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларини, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилгани ва қандай бажарилаётганига қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилиши ҳақида алоҳида огоҳлантириб қўймоқчиман.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Биз 2012 йилни юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилдик.

Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш каби ўз олдимизга қўйган бошқа муҳим мақсадлар барчамизга яхши маълум.

Бу ўринда гап айнан шулар ҳисобидан пировард натижада оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш ҳақида бормоқда.

Шу кунларда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, мазкур дастурни амалга ошириш учун 2012 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан қарийб 4 триллион 400 миллиард сўм ва 370 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Бу маблағнинг 60 фоизга яқинини давлат маблағлари, 25 фоизини тижорат банклари кредитлари, қарийб 15 фоизини масъул ижрочиларнинг ўз маблағлари ҳамда 360 миллион долларлан ортиғини халқаро институтлар ва донор мамлакатлар маблағлари ташкил этади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кенг кўламда ажратилаётган маблағлар аввало шу саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси оилага кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик, кўмак ва ёрдам белгиси ва тимсоли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Ўтган 2011 йилнинг асосий якунлари ва мамлакатимизнинг 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлари ана шулардан иборат.

Ушбу дастурда белгиланган улкан вазифаларни амалга ошириш энг аввало барчамиздан бутун салоҳиятимиз, билим ва тажрибамизни, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни, ҳар биримиздан зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, самарали меҳнат қилишни талаб этади.

Олдимизда турган ана шундай юксак ва эзгу мақсадларга эришишда барчангизга чин қалбимдан соғлик-саломатлик, янги омадлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари обрўли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланаётганлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил ноябрь ойида мамлакатимизга келган миссиясининг баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришганлиги ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётганлиги қайд этилган, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилган.

2011 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 6,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 6,6 фоизни, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 16,1 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичдан ошмади.

Мамлакатимиз экспорт қилувчи корхоналарининг рақобатбардошлик нуқтаи назаридан устунликларини тўлиқ рўёбга чиқариш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва маҳсулотларни сотишнинг янги ташқи бозорларини фаол ўзлаштириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилиши 2011 йилда экспорт ҳажми 15,4 фоизга ўсишини, ташқи савдо балансининг сезиларли миқдордаги ижобий сальдосини ва мамлакат олтин-валюта захиралари ўсишини таъминлади.

Молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш республика банк тизими капиталининг етарлилик даражасининг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолинишини ҳамда кредитлаш кўламлари кенгайтирилишини таъминламоқда. Ҳисобот йилида банкларнинг активлари 32,4 фоизга ўсди. Ўзбекистон тижорат банкларининг барқарор ва ижобий ривожланиш прогнози етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам тасдиқланмоқда.

Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши ҳамда иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш бўйича устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши капитал қўйилмаларни ўзлаштириш ҳажмини 11,2 фоизга кўпайтириш имконини берди. 1006 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, 144 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди.

Қишлоқ жойларда янги турар жой массивларини қуриш ва замонавий инфратузилмани шакллантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш давом эттирилди. 2011 йилда 156 та қишлоқ туманида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобига намунавий лойиҳалар бўйича 7,4 мингта уй-жой фойдаланишга топширилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кенг кўламли ишлар олиб борилиши 2011 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес улуши 2010 йилдаги 52,5 фоиз ўрнига 54 фоизгача кўпайишига кўмаклашди.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрларини сўзсиз бажариш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар қарийб 1 миллионта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади, уларнинг 68 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларга тўғри келади.

Мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида ҳал этилмаган мавжуд муаммоларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилди ҳамда 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини бажаришга қаратилган дастурий вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига иқтисодиётни ўстиришнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолишни, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашни, шунингдек, иқтисодиётни изчил ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини жадаллаштириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини оширишни таъминлайдиган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси қўйилди. Транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлаш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш масалаларини самарали ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан 2012 йилга белгиланган мақсадларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, жамиятнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг аҳамиятини юксалтириш, ҳар бир оиланинг моддий фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан эътибор ва ғамхўрлик кучайтирилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва республика ҳудудлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлисида қўйилган масалалар муҳокамаси якуни бўйича қарор қабул қилинди. Қарорда 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш соҳасидаги самарали хизмати ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Апостолиду Деспина Димитрис — Тошкент шаҳар грек миллий маданий маркази фаоли, «Ўзбекистон-Греция» дўстлик жамияти ижрочи директори

Арипова Назокат Сайпитдиновна — Республика байналмилал маданият маркази ахборот-методик бўлими бош мутахассиси

Гейцин Марина Николаевна — Фарғона вилояти немис миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

Ким Александр Алексеевич — Навоий вилояти корейс миллий маданий маркази раиси, Навоий шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори

Насирли Али Гейдар огли — Сирдарё вилояти озарбойжон миллий маданий маркази фаоли, шоир

Рахмонова Адолатхон Кутбидиновна — Андижон вилояти уйғур миллий маданий маркази раиси, Пахтаобод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими мудири

Таганмуратов Муратбай Аширович — Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази раиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Боев Нарзулло Абдикаримович — Қашқадарё вилояти Миришкор тумани араб миллий маданий маркази фаоли

Истамқулова Мафиратхон Мамажановна — Наманган вилояти қирғиз миллий маданий маркази раиси

Миронов Сергей Александрович — Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари

Тлепов Бердимурат Сабирович — Республика байналмилал маданият маркази бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 20 январ

Ishonch

2012-yil 24-yanvar № 11-12 (3049)

Диққат, танлов!

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» VII миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» VII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2011 йилнинг 31 мартидан 2012 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2012 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— энг яхши матбуот хизмати;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2012 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30, 35, 37-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz

■ Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Пайариқ туманида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари мухлислари оз эмас. Таҳририят почтасидаги хат-хабарларнинг муайян қисмини ана шу ҳудуддаги газетхонлардан олаётганимиз ҳам сир эмас. Ўтган йилда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси обунани ташкил этишдаги фаоллиги учун тақдирланган эди. Бу йил ҳам соҳа ходимлари Самарқанд вилоятида энг кўп ёзилган муштарийлардан саналишади.



Матбуот кунлари

Пайариқдаги дилкаш давра

Пайариқ тиббиёт коллежида бўлиб ўтган «Матбуот кунлари»га нафақат мураббий ва талабалар балки, газетанинг чин маънодаги дўстлари ҳам жам бўлишди.

— «Ishonch» ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий мавзудаги билимларимизни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшяпти, — дея матбуот анжуманини очиб берди Пайариқ туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси раиси Раҳмат Маҳмудов. — Туманимизда олов қалб ёшлар ҳам, нуронийлар ҳам газета мухлиси. Мазкур нашр ҳар бир хонадонга кириб келган, десам янглишмайман. Таҳририят вакиллари билан ҳам илк маротаба учрашаётганимиз йўқ. Туманимизда деярли ҳар йили «Ishonch» кунлари ташкил этилиши анъанага айланган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов газета жамоасининг босиб ўтган 20 йиллик ижодий йўли, келгусидаги мақсад ва вазифалари хусусида фикр билдирди.

— Пайариқда ижодкорлар кўп. Улардан ўнлаб мақолалар, ижодий намуналар олиб турамиз, — деди бош муҳаррир. — Бугунги даврада улардан кўпчилигини таниб турибмиз.

Тиббиёт коллежи тиллар кафедраси мудири Гулбаҳор Рўзиева «Оила — бу муқаддас макон...» новелласини ўқиб берди. Ҳаваскор қаламкаш Хосият Ёқубованинг ижод намунаси барчага манзур бўлди. Гулноза Тошболтаеванинг шоирона ташбеҳ ва лутфга йўғрилган ашъорларидан диллар яйради.

Сарҳисоб

Режа аниқ, ишлар амалий асосда

■ Боймурод МЕЙЛИЕВ, тармоқ касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

Ташкилий ва молиявий жиҳатдан кучли касаба уюшмасини барпо этиш ва шу асосда меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялашни кучайтириш мақсадида касаба уюшма тузилмалари такомиллаштирилди. Жумладан, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ҳамда Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаларининг Қашқадарё вилоятидаги вакилликлари бирлашиб, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ташкил этилди.

Қисқа даврда кенгашимиз янги режалар асосида муайян ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, барча бошланғич ташкилот етакчи ва фаоллари вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув-семинарда махсус дастур асосида ўқитилди.

Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши, ишчи-ходимларнинг меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит яратиш, меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини ўрнатиш ва бошқа қатор масалалар ижросини таъминлашда жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этади.

Шунга қарамасдан, транспорт ва йўл соҳасидаги корхона-ташкилотларда иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 2011 йилнинг 1 июл ҳолатида 230 млн. 114,1 минг сўмни ташкил этди. Уни бартараф этиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларига тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан талабнома хатлари билан мурожаат қилинди. Натижада, муддати ўтган қарздорлик 103 млн. сўмгача камайди.

Бундан ташқари, жамоа шартномалари орқали кам таъминланган ишчи-ходимларга корхона ва касаба уюшма қўмиталари томонидан моддий ёрдам бериб борилмоқда. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида соҳа ходимларига 6 млн. 980 минг сўмлик моддий кўмак кўрсатилди.

Ишчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига кўмаклашиш ҳам фаолиятимизда алоҳида ўрин тутади. Ҳар йили тармоқ ходимларининг анъанавий «Саломатлик» спартакиадасида вилоятимиз жамоаси фаол иштирок этмоқда. Масалан, ўтган йили мазкур спартакиаданинг минтақавий саралаш мусобақалари Қарши шаҳрида ташкил этилиб, мезбонлар жамоаси совринли ўриндан жой олди. 564 нафар фарзандларимиз Автомобилчи, Мирзо Улуғбек ва Ваҳоб Бердиев номидаги оромгоҳларда корхона-ташкилот ва касаба уюшмалари томонидан бепул дам олдирилди.

Касаба уюшмаларининг мавқеини мустаҳкамлаш, унга аъзолик афзалликларини тарғиботташвиқот қилиш, аъзолар сонини ошириш — давр талаби. Ушбу масала юзасидан ҳам ҳудудлар бўйича мониторинг гуруҳлари тузилиб, ишлар йўлга қўйилди. Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослашга оид плакат ва буклетлар ишлаб чиқилиб, нодавлат секторидаги ташкилотларга тарқатилди. Тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йили ишчи-ходимлар сони 1449 нафар бўлган 22 ташкилотда касаба уюшма қўмитаси тузилиб, тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши аъзолигига қабул қилинди. Янги аъзоларга аъзолик билетлари топширилди. Бошланғич ташкилот етакчилари зарур услубий қўлланмалар билан таъминланди.

Яқинда ўтган тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши пленумида йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича режалар белгилаб олинди.

Бунёдкорлик одимлари

Яқинда Чуст туманида «Автомобилларга техник ва кафолатли хизмат кўрсатиш» маркази фойдаланишга топширилди. Бунга кредит ҳисобига олинган 2 млрд. сўм сарфланди.

■ А. МАҲМУДОВ, «Ўзметмашсаноат» тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раиси

Сифатли хизмат ва кафолат

Ушбу марказ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган барча турдаги енгил автомобилларга техник ва кафолатли хизмат кўрсатади. Корхона ходимлари 20 дан ортиқ постларда 100 дан ортиқ хизмат турларини амалга оширадилар.

Яна бир жиҳати, Қамчиқ довонидан ўтувчи енгил машиналарга жойида бориб хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун кўчма «Эвакуатор»лар орқали бузилган машиналарни тузатиш имконияти яратилди.

Марказ ҳозирда энг сўнгги русумдаги Корея, Япония, Германиядан келтирилган асбоб-анжом ва электрон ускуналар билан жиҳозланган. Афзаллиги, мижоз автомашинасини таъмирлаш жараёнини видеокўрсатув орқали кузатиб бориши мумкин.

Ҳозирда марказда 70 та иш ўрни ташкил этилиб, коллежни битирган 50 нафар ёш ишга қабул қилинди. Улар «Устоз-шогирд» усулида малакали усталарга бириктирилган. Келгусида коллежни битирувчи ёшлардан 100 нафарини танлов асосида ишга олиш режалаштирилган.

Ёшларнинг касб маҳоратини ошириш учун ўқув, меҳнат муҳофазаси, маънавият ва маърифат, дам олиш хоналари жиҳозланган.

Ишчи-ходимларнинг меҳнати, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида тўла акс этган.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

■ Улуғбек ПЎЛАТОВ

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг йигирма йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма ташкилотлари аскарлар ва ҳарбий хизматчиларга совғалар тақдим этишди.

Сергели туманидаги «Бахт Диёр» ресторанида бўлиб ўтган тадбирда 2011 йилда туман ҳарбий қисмлари аскар ва офицерлари ўртасида бўлиб ўтган «Энг яхши отряд командири», «Энг яхши сержант», «Ҳарбий оила — мустаҳкам қўрғон» кўрик-танловлари ғолиблари туман ҳокимиятининг рағбатлантирувчи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тошкент шаҳар давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси кенгаши томонидан ҳам юрт посбонларига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

— Биз, ҳарбийларга давлатимиз томонидан катта эътибор кўрсатилаётир. Бугунги байрам тадбирида касаба уюшма ташкилотлари вакилларининг фаол иштироки ва самимий табригидан ғоят мамнун бўлдим, — дейди майор Исмонали Умаров. — Эътиборли жиҳати, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ушбу тадбирнинг аҳамияти катта бўлди.

— Фарғона шаҳридан келиб хизмат қилаяпман, — дейди оддий аскар Усмонбек Шодмонов. — Ота-она ишончини оқлаш, замонавий техникани пухта эгаллаш, олдимизга қўйилган топшириқларни вақтида ва аъло даражада бажаришга астойдил интилаяпман. Ватанимиз Қуролли Кучларида хизмат қилишни бахт деб ҳисоблайман.

Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактабининг созандалари жамоаси, «Файз» доирачилар ансамбли, тумандаги 300-мактабнинг «Баҳор ғунчалари» рақс ансамбли тадбир қатнашчиларига завқ-шавқ бағишлади. Айниқса, қўл жанги усталарининг кўргазмали чиқиши аскар йигитларимизнинг юксак маҳоратга эга эканлигини кўрсатди.

■ Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Юртимизда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари кўпайиб, йирик корхоналар фаолияти такомиллашиб бормоқда. Уларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси, соғлиги, хавфсизлиги каби масалалар доимо давлатимиз эътиборида.

Ўқув-семинар

Ислоҳот инсон учун

Бектемир туманида меҳнат муҳофазасига бағишлаб ташкил этилган ўқув-семинар шу маънода катта аҳамият касб этди. Унда туман ҳокими С. Махаметов, шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг техник инспекцияси бошлиғи А. Мўминов, шаҳар Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Р. Махамадалиев, тумандаги корхона-ташкилотларнинг раҳбар ҳамда касаба уюшма қўмитаси раислари иштирок этдилар.

Тадбирда мутахассислар томонидан корхона ва ташкилотларда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, санитария-гигиена талаблари асосида иш ўринлари яратиш, ходимни меҳнат вазифасини бажараётганда жароҳатланишдан асраш, касб касаллигига чалинганда ёки шикастланганда етказилган зарарни тўлаш қоидалари ҳақида кенг маълумот берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Тадбир

Ҳеч кимни бефарқ қолдирмади

■ Ш.САЪДУЛЛАЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгашининг бир гуруҳ фаоллари Термиз шаҳридаги 49976-ҳарбий қисмнинг шартнома бўйича хизмат қилувчи аскар, сержант ва офицерлари ҳузурига ташриф буюришди. Термиз шаҳар гарнизони ҳарбий комендатураси ва Термиз гарнизони автомобил назорати ҳарбий қисмларда хизмат қилувчилар ҳам тадбирга таклиф этилди.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Холбўта Досов сўзга чиқиб, уларга юрт осойишталигини таъминлаш йўлидаги фаолиятида муваффақият тилади.

Ҳарбий қисм командири Абдуҳаким Мейлиев барча аскар, сержант ва офицерлар номидан ҳомийлик тадбирига қўл урган кенгаш ходимлари ва фаоллари, санъаткорларга миннатдорлик билдирди.

Санъаткорларнинг чиқишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Термиз Давлат университети профессори, шоир Шафоат Раҳматулло Термизийнинг шеърлари, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, Менгзиё Сафаров ва бошқа шоир-ёзувчилар ҳақидаги хотиралари учрашув иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

Учрашув сўнгида ҳарбий қисм кутубхонасига вилоят касаба уюшма кенгаши томонидан янги бадиий китоблар ҳадя этилди.

Ishonch
2012-yil 24-yanvar № 11-12 (3049)

■ М. БАЗАРОВ,
«EMIR PARRANDA» МЧЖ шаклидаги агросаноат фирмаси раҳбари

Банкдан миннатдорман

Банк тизимида олиб борилаётган ишлар, янги лойиҳалар, иш ўринларининг яратилиши сабабли халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда. Бунга «Ипотека банк» Бухоро вилоят филиали фаолиятини мисол келтириш мумкин.

Ушбу банкдаги қулай имкониятлар, ходимларнинг билими ва малакаси, мижозларга нисбатан самимий муносабати ҳамда «Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!» шиори остида иш ташкил этилгани кишини қувонтиради.

Энг муҳими, ҳар бир мижоз қўллаб-қувватланиб, кам таъминланган ва ёш оилаларга турли хилдаги имтиёзли кредитлар ажратиб келинмоқда. Масалан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йилида филиал томонидан бизга 210 млн. сўм уч йил муддатга берилди. Ушбу маблағ ҳисобидан паррандачилик комплексини ташкил қилиб, 15 та янги иш ўрни яратдик. 2011 йил ноябр ойидан бошлаб аҳолига кунига 6-8 минг дона тухум етказиб бермоқдамиз.

Очиғи, бу ютуқларга эришишимизда «Ипотека банк» вилоят филиали ходимларининг ҳиссаси катта. Бундан кейин ҳам биз ушбу банк билан ҳамкорликни давом эттириб, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашда улушимизни қўшамиз.

Дил сўзи

■ Анорбой НОРҚУЛОВ,
жамоатчи мухбир

Фожианинг илдизи

Сирдарё туманидаги «Кумуш биллур савдо» корхонаси қурилиш бўлимида бор-йўғи уч кун ишлади. Янги хизматчига иш берувчи томонидан меҳнат муҳофазаси тўғрисида тушунча берилмагани қимматга тушди. Яъни, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилиб, жимжимадор имзо қўйилди-ю, йўл-йўриқ кўрсатилмади.

Кўнгилсиз воқеа рўй берган куни Санжар Раҳматов бошчилигидаги бир гуруҳ қурувчилар бинони суваш ишлари билан машғул эди. Тўлқин Болтаев баландликда ўрнатилган махсус мослама устида ишлай бошлади. У деворга чапланган лойни текислаётиб, қўлидаги андавани девор олдидан ўтган электр симига теккизганини сезмай қолди. Кучли зарб Т.Болтаевни баландликдан пастга улоқтириб юборди. Жабрланувчи тезда туман шифохонасига етказилди. Аммо вақт ўтган эди.

Меҳнат муҳофазаси

Корхонада рўй берган бахтсиз ҳодиса шу тариқа бир инсоннинг ўлими билан якун топди. Агар иш берувчи томонидан меҳнат муҳофазаси юзасидан қонун талаблари асосида чора-тадбирлар белгиланганда бу фожиа рўй бермаган бўларди. Шу боис энди корхона маъмурияти қонунга асосан марҳумнинг олти йиллик даромадини тўлашга мажбур. Устига-устак корхона раҳбари меҳнат, меҳнатни муҳофаза этишга доир қонун ҳужжатларини бажармаганлиги ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузмаганлиги сабабли катта миқдорда жарима ҳам тўлайди.

Вилоят давлат меҳнат техника инспекторлари томонидан корхонадаги меҳнат муҳофазасига доир ишлар батафсил ўрганиб чиқилиб, хато-камчиликлар ва уларнинг айбдорлари аниқланди. Айбдорлар қонуний жазоларини олдилар. Аммо булар оламдан бевақт кўз юмган ёш йигитни яна ҳаётга қайтариб берармиди? Афсуски, йўқ. Лоқайдлик қурбонига айланган Т.Болтаевнинг қисмати иш берувчилар учун аччиқ сабоқ бўлмоғи зарур.

МУНДАРИЖА

№	БЎЛИМЛАР	Бет
I.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	2
II.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	3
III	МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.	6
IV.	ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ	10
V.	МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ	14
VI.	МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ	19
VII.	МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ	20
VIII.	МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ	21
IX.	ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР	29
X.	МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ	33
XI.	АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР	35
XII.	ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР	37
XIII.	МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ	40
XIV.	ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ	41
XV.	ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	44
XVI.	ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК	45
	ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ	45

Жамоа шартномасининг макети амалдаги жамоа шартномалари таҳлилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг 2011 йил 1 декабргача бўлган ўзгаришларига мувофиқлаштирилган.

Макет матни тавсиявий тусга эга.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган
20__ йил «____»_____
Баён № _____

_____
(корхона, ташкилот, муассаса номланиши)

_____ йил(лар) учун

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилар:

Иш берувчи _____ (Ф.И.О.) 20___ йил «____»_____

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси (касаба уюшмаси ташкилотчиси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбари) _____ (Ф.И.О.) 20___ йил «____»_____

Жамоа шартномасига имзо чекиш вақтида қуйидагилар ҳозир бўлдилар:

Иш берувчи вакиллари	Ходимлар вакиллари
1.	1.
2.	2.
3.	3.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

(ёки шунга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат бош санитар врачи томонидан 1996 йил 16 мартда тасдиқланган «Меҳнат шароитлари зарарли ишларда бевосита банд бўлган ходимларга сут ёки шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бепул бериш учун тиббий кўрсаткичлар»га кўра тузилган рўйхатдаги касб ва лавозимлардаги ходимларга бепул бериш **28-иловага** мувофиқ амалга оширилади.

8.16.1. Сут бериладиган иш жойларидаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш, меҳнат шароитини санитария-гигиена қоида ва нормалари талабларига тўла мувофиқ ҳолга келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўрилади.

8.17. Меҳнат Кодексининг 217-моддасига мувофиқ меҳнат шароити ноқулай, зарарли ва ифлосланишлар билан боғлиқ ишларда меҳнат қилувчиларга ҳар ойда 400 граммдан гигиена воситалари (ювиш воситалари ёки совун) билан бепул таъминлаш ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқини берадиган касб ва лавозимлар рўйхатини тузиш ва таъминлаш **29-иловага** мувофиқ амалга оширилади.

8.17.1. Меҳнат шароити ноқулай бўлган ходимларни белгиланган нормалар бўйича газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун) ва газлаштирилган сув билан бепул таъминлайди (маблағлар етарли бўлганда бошқа соғломлаштирувчи ичимликлар – чой, шарбат ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

8.18. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра унда кўрсатиб ўтилган ходимларнинг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилишини ходимларнинг чиқимдор бўлмаган ҳолда ташкил қилинишини **31-иловага** мувофиқ таъминлайди.

8.19. Корхона ҳудудини ҳамиша саранжом-сариштa ҳолда сақлаш, юриш ва ўтиш жойларининг талаб этиладиган оралиқ ўлчамлари аниқ белгиланган бўлиши ва уларга қатъий амал қилиниши, корхонанинг ички транспортидан фойдаланишда уларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

8.20. Мансабдор шахслар ва инженер-техник ходимлар томонидан меҳнат муҳофазаси, технологик интизом қоидалари талабига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирация жиҳозларининг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилишни

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

таъминлайди. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўймайди. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назарида асбоб-ускуналарнинг тегишли жойлари ҳамда иссиқ ёки совуқ сув, буғ ва газ қувурларини ўз вақтида меъёрий ҳужжатлар талабларида белгиланган рангларга бўялишини таъминлайди.

8.21. Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш тўғрисидаги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 272-рақам билан рўйхатга олинган) талабларига биноан ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитади ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этади.

8.22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида»ги низомга кўра сайланган Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни сайлангандан сўнг бир ой ичида касабақўм ишторокида ўқишини ташкил қилади.

8.23. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилнинг ўз вазифаларини иш вақтида бажариши учун ўртача маошини сақлаб қолган ҳолда ҳафтада икки соатдан кам бўлмаган вақт ажратади.

8.24. Ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Касаба уюшмаси қўмитасининг мажбуриятлари

8.25. Касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси таркибини тасдиқлайди, касаба уюшмаси фаоллари ўқувини ўтказади (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилган ҳолда).

8.26. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия аъзолари ёрдамида инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига қандай амал қилишаётганликлари устидан доимий назорат ўрнатади.

8.27. Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларига бўлган талабномалар корхонанинг моддий-техника таъминоти хизматлари (бўлимлари)га ўтказилмасдан аввал касаба уюшма қўмитасининг мажлисларида кўриб чиқади.

8.28. Ходимларга бериладиган махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлилиги, улардан мажбурий фойдаланилишни

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

рилади.

XV. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

15.1. Тарафлар тенглик асосида, мазкур **Шартнома** бажарилишини текшириб борувчи комиссияни тузишни ўз зиммаларига оладилар.

15.2. Тарафлар йилда _____ маротаба мазкур **Шартнома** бажарилиши юзасидан текширув ўтказиш ва текширув натижаларини меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да муҳокама қилишни ўз зиммаларига оладилар.

15.3. Тарафлар Бош, тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий), ҳудудий-тармоқ келишувларини тан олиб, уларни бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Башарти юқорида номлари келтирилган келишувларга ўзгартишлар киритилса, **Иш берувчи** ва **Касаба уюшмаси қўмитаси** _____ муддат ичида мазкур **Шартнома**га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича музокаралар олиб боришни ўз зиммаларига оладилар.

15.4. Тарафлар шуни эътироф этадиларки, уларнинг мазкур **Шартномада** акс эттирилган манфаатлари улар томонидан жамоа шартномасининг барча шартлари ва мажбуриятлари сўзсиз бажарилган тақдирдагина рўёбга чиқиши мумкин.

15.5. Касаба уюшмаси қўмитаси жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш юзасидан чақириладиган меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)дан олдин унинг лойиҳасини экспертиза учун юқори турувчи касаба уюшмаси органига ёки адвокатлик фирмасига тақдим этади.

15.6. Мазкур **Шартнома** имзолангандан сўнг, тарафлар уни рўйхатдан ўтказиш учун юқори турувчи касаба уюшмаси органига тақдим этадилар*.

15.7. Жамоа шартномаси имзолангандан сўнг, томонлар уни бажарилиши бўйича тадбирлар режаси, масъуллар ва муддатларини белгилаб оладилар.

15.8. Жамоа шартномаси **Корхонанинг** кўп тиражли газетасида имзоланган кунидан бир ойдан кечиктирилмаган ҳолда чоп этилади, брошюра кўринишида _____ нусхада чиқарилади. Шунингдек, Жамоа шартномасининг матни ва иловалари билан ходимлар **Корхонанинг** ходимлар бўлимида, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи ва юри-

*** Корхонада касаба уюшмаси ташкилоти тузилмаган бўлса жамоа шартномасининг нусхасини нотариусга сақлаш учун топшириш мумкин.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

е) касаначилик меҳнатини ташкил этиш учун **3-Иловага** мувофиқ барча шарт-шароитларни яратиш;

ж) жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, бошқа қонунларида, **Корхонанинг** таъсис ҳужжатларида, жамоа келишувларида ҳамда мазкур жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни **Касаба уюшмаси қўмитасига** тақдим этиб бориш;

з) белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат баҳсларини музокара йўли билан ҳал этиш;

и) ходимларни **Корхонани** бошқаришда амалдаги қонунларга зид бўлмаган шакллардаги иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

к) **Касаба уюшмаси қўмитаси** вакилларини **Корхона** бошқарувининг ҳайъат органларига киритилишига кўмаклашиш;

л) **Корхонани** ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

м) рационализаторликни ривожлантириш;

н) **Корхонанининг** иш самарадорлиги юксалишига, хомашё, материаллар, энергия ва бошқа ресурслар иқтисод қилинишига катта ҳисса қўшаётган ходимларни рағбатлантириб бориш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2.4. **Касаба уюшмаси қўмитаси:**

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалаларни, шунингдек ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ходимлар номидан иш кўриш;

б) **Касаба уюшмаси қўмитаси** вакилларини **Корхона** бошқарувининг ҳайъат органларига сайланиши имкониятларидан фойдаланиш;

в) касаба уюшмаларига хос услублар ёрдамида, шу жумладан, ходимлар ўртасида меҳнат мусобақаларини ривожлантириш, улар меҳнати унумдорлигини юксалтириш, **Иш берувчи** билан биргаликда ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш тизимларини ўрнатиш орқали **Корхонанинг** барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

г) меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини такомиллаштириш, Корхонани бошқариш, жамоа шартномаси мажбуриятларини такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат шартномасидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришларига кўмаклашувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболли режа ҳамда дастур-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

хона Низоми ҳамда Ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан таъминланишини ва назорат қилинишини тарафлар ўз зиммасига оладилар.

6.2. **Иш берувчи:**

6.2.1. ходимларни ишдаги мувафаққиятлари учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этишни;

6.2.2. ходимларни меҳнатдаги ютуқлари учун ҳамда юбилей саналарида (50, 55, 60 ёшга тўлганда):

- пул мукофотлари билан;
- ташаккур эълон қилиш билан;
- қимматбаҳо совғалар билан;
- **Корхонанинг** санаторий-профилактория сига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг санаторийлари ва дам олиш уйларига йўлланмалар тақдим этиш йўли билан рағбатлантиришни ўз зиммасига олади

6.3. Касаба уюшмаси қўмитаси ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат интизомига риоя этилишига, меҳнат вазифалари ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кўмаклашиб боради.

6.4. Ходимлар ички меҳнат тартиби қоидаларига, ўрнатилган меҳнат режимига, меҳнат интизомига ва дресс-кодга риоя қилишлари шарт.

VII. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. **Иш берувчи ходим томонидан унга етказилган зарарни,** зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

7.2. Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходимлар махсус ёзма шартнома асосида уларга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати 25-иловада келтирилган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 17 декабрда 565 рақам билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари»га биноан кассир (ғазначи) билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши шарт.)

7.3. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган ва бунда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этиладиган бўлинмаларнинг рўйхати 26-иловада келтирилган.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

чегарасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига Ўз.Р.ВМнинг 2002 й.31.05. даги 188-сонли қарори билан ўзгартиришлар киритилган) ўртача ойлик иш ҳақининг 100 % миқдорида ҳақ тўлайди;

- тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) ёки Тиббий маслаҳат ҳайъати (ТМҲ) хулосасига мувофиқ жабрланувчи илгариги ишини бажаришга қодир бўлмаса иш берувчи жабрланувчининг розилиги билан уни бошқа янги касбга ўқитиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- ўқиш давомида жабрланувчига аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

8.42. Меҳнат кодексининг 9 ва 223-моддаларига кўра меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат текшируви ва назорат қилишни касаба уюшмалари ва унинг таркибидаги меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари (хизмати) амалга оширади.

IX. ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

9.1. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қатъий бажарилишига эришиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

9.2. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг қуйидаги моддаларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар:

а) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар учун (103, 144, 150-моддалар);

б) атом объектларидаги фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар учун (103-модда);

в) I ва II гуруҳ ногиронлари учун (68, 135, 143, 144, 150, 214, 220-моддалар).

9.3. **Иш берувчи** қуйидаги миқдорларда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

9.3.1. иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, байналминалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга тўлмаган уч ва ундан ортиқ фарзанди бор ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

в) ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб қилишга кўмаклашиш;

г) корхонада амалиёт ўташга бириктирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирувчиларига касаба уюшмаси маблағидан энг кам иш ҳақининг 20 фоиз миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

д) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини имтиёзли диплом билан битириб янги ишга жойлашган ходимлар учун ёрдам сифатида касаба уюшмаси маблағидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

е) амалиёт ўташ учун бириктирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини ва янги ишга қабул қилинган битирувчиларини меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказишга, махсус кийим-бош, махсус пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлашга эришиш;

ж) ишга қабул қилинган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилишини, улар жамоа шартномалари билан таништирилишини таъминлаш;

з) корхонанинг ёрдамчи хўжаликларида яратилаётган боғ ва токзорларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишга кўмаклашиш

и) янги ишга қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш.

XIII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

13.1. Келишувчи томонлар, ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда, жамоа шартномасининг бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

13.2. Якка тартибдаги меҳнат низолари ва зиддиятлар _____ нафар аъзодан ташкил топган (ҳар тарафдан _____ нафардан) иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тенглик асосида мазкур **Шартноманинг** амал қилиш муддатига тузиладиган меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

13.3. Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва **33-иловада** келтирилган Низомга биноан олиб боради.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ралар назарда тутилади:

а) ишдан бўшатиб олинган ходимларни иш билан таъминлаш учун кичик бизнес субъектларини таъсис этиш;

б) ўриндошликни, вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чеклаш, бир неча касбда ишлашни тақиқлаш, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пулли компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) бўшатиб олинаётган ходимларнинг малакасини ўзгартириш ва бошқа касбга ўргатиш учун Бандликка кўмаклашиш Маркази билан шартнома тузиш;

е) ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш олган ходимга огоҳлантириш муддати давомида ўзига қулай вақтда бошқа иш қидириш учун ҳафтада _____ кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқини бериш.

3.10. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ходимлар тоифаларига берилади.

3.11. Агар ходимлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмасалар, у ҳолда ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қуйидаги ҳолатлар инобатга олинади:

а) ногиронлик;

б) пенсия ёшига яқинлашиб қолганлик (аёллар 53 ёш, эркаклар 58 ёш);

в) ишлаётган ёлғиз онанинг қарамоғида 14 ёшга тўлмаган болалар мавжудлиги;

г) _____;

д) _____.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

устама тўланади;

5.12.4. бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек ўриндошлик асосида иш бажарилганида ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан, лекин ходим лавозим маошининг _____ фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

5.12.5. Ўзбекистон Республикаси ичидаги хизмат сафарлари учун тўланиладиган компенсациялар «Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома»га (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 24 июлда 83 ва №7/12-сон қарор билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-рақам билан рўйхатга олинган) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) йўл кира харажатлари норматив асосида;

б) доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар;

в) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг _____ фоизи миқдорида суткалик харажатлар;

г) ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа харажатлар.

5.12.6. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсациялар (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 февралда 16-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июнда 932-рақам билан рўйхатга олинган) «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби»га биноан амалга оширилади;

5.12.7. ходимга тегишли транспорт воситасидан иш берувчининг розилиги билан фойдаланилгани учун компенсация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларнинг шахсий автомобилларидан

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ти маблағларидан ажратиладиган меъёрга нисбатан _____ фоиз миқдорида **Корхона** ҳисобидан қўшимча маблағ ажратиш.

9.20. Тарафлар ётоқхоналар ва идоравий турар жойларни сақлаб туришга, уларда яшаш учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилашга, яшовчилар орасида маданий-оммавий, маънавият-маърифат ишларини олиб боришга маблағ ҳамда зарур ашёлар ажратиш мажбуриятини оладилар.

9.21. Тарафлар ходимларни **Корхонанинг** ёрдамчи хўжалигида етиштирилган гўшт-сут маҳсулотлари, мевасабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш (ёки ёрдамчи хўжаликни барпо этиш имкониятини кўриб чиқиш) мажбуриятини оладилар.

9.22. Мазкур **Шартнома** мақсадларида:

а) _____ нафар балоғатга етмаган фарзандни тарбиялаётган оилалар – кўп болали оилалар деб ҳисобланади;

б) ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан ошмаган оилалар – кам таъминланган оилалар деб ҳисобланади.

X. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

10.1. **Иш берувчи**

10.1.1. **Касаба уюшмаси қўмитасига** ўз балансида турган ёки ўзи ижарага олган бинолар, хоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмирлар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларини бепул фойдаланиш учун бериш;

10.1.2. ҳар ойда Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг _____ фоизи миқдоридаги маблағини маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари учун **Касаба уюшмаси қўмитаси** ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади.

10.2. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

10.2.1. «Маънавият ва маърифат» хонасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Ishonch
2012-yil 24-yanvar № 11-12 (3049)

назорат қилиб боради.

8.29. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиясининг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларида, мансабдор ва (ёки) масъул шахслар томонидан қандай бажарилаётганлигини муттасил текшириб боради, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришади, фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор ва (ёки) масъул шахсларни жавобгарликка тортиш масаласида иш берувчига ва (ёки) ваколатли назорат идораларига таклифлар киритади.

8.30. Жамоа шартномасининг бўлимлари ва унинг меҳнат муҳофазаси бўйича битими лойиҳаларига таклифларни тўплайди ва уларни меҳнат жамоалари мажлисларида цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар бўйича муҳокама этилишини ташкил қилади.

8.31. Корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси томонидан меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ва бошқа тадбирлар ўтказилаётган вақтда цех (бўлим)даги меҳнат муҳофазасининг ҳолати ўрганилаётганда жамоа шартномаси ва унинг меҳнат муҳофазаси бўйича битими бажарилишини текширади.

8.32. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра унда кўрсатиб ўтилган ходимларнинг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилишини ҳамда ходимларнинг чиқимдор бўлмаган ҳолда ташкил қилинишини назорат қилади.

8.33. Ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текширишда, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида иштирок этади ёки юқори касаба уюшмалари ташкилотларининг масъул ходимларини таклиф этиши мумкин.

Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ўзаро мажбуриятлари

8.34. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси (ташкилоти)нинг янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериши-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш, иш шароитининг ходим соғлиғига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиш ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқини тан олади.

8.35. Томонлар шунга келишдики, иш берувчи иш шароитига бўлган меъёрий талабларни, корхонадаги ижти-

26

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

салар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари» талабларига мувофиқ ҳолда суғурта қилади.

8.13. Ҳар беш йилда камида бир марта Меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубият асосида иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодат (аттестация)дан ўтказади.

8.14. Меҳнат кодексининг 217-моддасига кўра махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари (ДПО) билан бепул таъминланиш ҳуқуқини берадиган ишларда ишловчи ходимларни жамоа шартномасининг 28 ва 30-иловаларида белгиланган рўйхатга мувофиқ, белгиланган муддатларда махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлайди.

8.14.1. Зарур миқдордаги махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларига бўлган талабнома ўз вақтида тузилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлайди.

8.14.2. Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партияси иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида, иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олинади.

8.14.3. Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим ва махсус пойабзал ўрнига янгиси ёки ямаб-тузатилгани билан алмаштириб беради.

8.14.4. Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслиги, ҳимоя воситаларининг сақланиши ва ўз вақтида таъмирланишини таъминлайди.

8.15. Меҳнат кодексининг 117-моддасига мувофиқ ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилаш ҳамда 137, 138-моддаларига мувофиқ меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос, оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитидаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериш **27 ва 10-иловаларга** мувофиқ амалга оширилади.

8.16. Меҳнат Кодексининг 217-моддасига мувофиқ сут

23

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур жамоа шартномаси (кейинги ўринларда **«Шартнома»**) _____ _____да

(корхона, ташкилот, муассаса номланиши)* иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи маҳаллий норматив ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур Шартноманинг тарафлари деб қуйидагилар ҳисобланади:

- иш берувчи

_____ _____тимсолида

(бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар кўрсатилади)

- ходимлар

_____

(касаба уюшмаси қўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси)

_____ тимсолида

ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи кўрсатилади)* *

1.2. **Шартнома** _____дан кучга киради ва _____гача амал қилади. Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлади.

1.3. Мазкур **Шартнома Иш берувчига** ва **Корхонанинг** барча ходимларига, шу жумладан, жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Мазкур **Шартномада** назарда тутилган ҳолларда унинг айрим қоидалари қуйидагиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади:

· ходимнинг оила аъзоларига;

· ёшга доир пенсияга кетиши муносабати билан меҳнат муносабатлари иш берувчи томонидан бекор қилинган шахсларга;

· касаба уюшмаси қўмитасининг штатдаги ходимларига;

· меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли зарар

* кейинги ўринларда **«Корхона»** деб номланади.

** кейинги ўринларда **«Касаба уюшмаси қўмитаси»** деб номланади.

2

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

лабаларининг ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом.

24. Йил якунлари бўйича мукофотлаш тўғрисида Низом.

25. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати.

26. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган ва бунда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этиладиган бўлинмалар рўйхати.

27. Меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати.

28. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув билан таъминлаш нормалари ва тартиби.

29. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган ювиш воситалари (совун) билан таъминлаш нормалари ва тартиби.

30. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш нормалари ва тартиби.

31. Дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил қилинадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

32. Таътил учун моддий ёрдам тўлаш тўғрисидаги Низом.

33. Меҳнат низолари комиссияси тўғрисидаги Низом.

34. Меҳнат низолари комиссиясига унинг фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчи томонидан бериладиган хоналар, жиҳозлар, ташкилий техника ва бошқа моддий-техник воситалар рўйхати.

35. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Низом.

36. Корхона ходимларига уй-жой олиш учун фоизсиз ссудалар бериш тартиби тўғрисида Низом.

37. Маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ўтказиш сметаси.

38. Касаба уюшмаси қўмитасига касаба уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчи томонидан бериладиган хоналар, жиҳозлар, транспорт ва алоқа воситалари рўйхати.

39. Соғломлаштириш жамғармаси ёки корхонада тузилган шунга ўхшаш бошқа жамғарма тўғрисида Низом.

47

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

оқибатларини бартараф этишда иштирок этган ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат натижасида радиоактив ифлосланган зонадан эвакуация қилинган ва кўчириб келинган ходимларга (агар уларда қон яратиш органлари (ўткир лейкозлар), қалқонсимон без (аденомалар, рак) касалликлари ҳамда ракни келтириб чиқарувчи ўсимталар мавжуд бўлса), ядровий полигонлар ва бошқа радиация-ядровий объектларда ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек меҳнатда майиб бўлиши ёки касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга лаёқатсиз ходимларга – иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

9.3.2. ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича рўйхатда турувчи ходимларга уларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган даври (умумий иш стажи)га қараб – иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача;

9.3.3. бошқа ҳолларда, ходимнинг умумий иш стажига қараб - иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача.

9.4. **Корхонада** камида ____ йил ишлаган ходимларнинг ҳақиқатдаги иш ҳақлари ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари ўртасидаги фарқ қўшимча тарзда тўлаб берилади.

9.5. **Иш берувчи** «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига биноан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига иш ҳақининг ____ фоизи миқдорида қўшимча маблағ ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.6. **Иш берувчи** ходимларни йилида камида бир марта эпидемия хавфи мавжуд бўлган касалликлардан **Корхона** ҳисобидан эмлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.7. **Иш берувчи** ишлаётган пенсионерларга ўтган ой учун пенсияни ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир вақтда тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 30 апрелда 2222-рақам билан рўйхатга олинган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га биноан).

9.8. **Иш берувчи** ўз маблағлари мавжуд бўлган тақдирда пенсиялар, компенсациялар ва нафақаларни ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир кунда ўз маблағлари ҳисобидан (тўланган суммаларни кейинчалик бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағидан қоплаш шарти билан) тўлаб бориш мажбурияти-

30

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

тўғрисидаги низом»га ва **23-иловага** биноан амалга оширилади.

5.16. **Иш берувчининг** кўрсатмасига биноан иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш ва бошқа турли тадбирларда қатнашиш) мақсадида ходим ўз асосий ишидан озод этилади.

Агарда юқорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу ҳолда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади, мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига мутаносиб қўшимча дам олиш вақти берилади.

Ходим иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажараётганда **Корхона** бўйича тариф ставкалари ва лавозим маошлари миқдори оширилса, у ҳолда ходимга меҳнат ҳақи ана шу даврдаги барча иш кунлари учун янги тариф бўйича қайта ҳисоблаб чиқилиб тўланади.

5.17. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив шаклларини қўллаш, иш сифатини кўтариш, касб маҳоратини юксалтириш ишларидан жамоанинг ва алоҳида ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида **Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишган ҳолда бошқа турдаги устамаларни ўрнатиши мумкин (масалан, юқори касб маҳорати учун, кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, меҳнатдаги юқори ютуқлари учун, бажараётган ишининг мураккаблиги учун ёки алоҳида муҳим ишлар учун уларни бажариш вақтига). Устамалар ҳажми ҳар бир ходимнинг бажараётган иш сифатини ошириш учун қўшаётган ҳиссасига қараб белгиланади. Мазкур ходимлар ҳақидаги маълумотлар ошкоралиги таъминланади. Иш сифати сусайган ҳолда барча устамалар бекор қилинади ёки камайтирилади.

5.18. **Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишган ҳолда тегишли Низомга биноан йил якунлари бўйича мукофот тўлайди. **(24-илова).**

5.19. Қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган ходимларга ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

5.20. Илмий даражаси ва илмий унвони бўлган ходимлар лавозим маошига ҳар ойда ____ фоиз миқдорида устамалар тўланади.

VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

6.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларининг бажарилиши меҳнат шартномалари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, мансаб йўриқномалари, Кор-

19

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ларини қабул қилиш каби масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш бўйича таклифларни **Иш берувчига** киритиб бориш;

д) ходимларнинг рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

е) мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар бажарилишини мониторинг қилиш ишларида иштирок этиш;

ж) тармоқ кўрик-танловларида иштирок этиш ташаббуслари билан чиқиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2.5. **Ходимлар:**

а) ўз меҳнат вазифаларини ҳалол бажариш, **Иш берувчининг** фармойишлари ва буйруқларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш;

б) ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифати яхшиланишига, меҳнат унумдорлиги ўсишига, ресурслар иқтисод қилинишига кўмаклашиш, ишлаб чиқаришдаги ўз ҳамкасбларининг илғор тажрибасидан фойдаланиш;

в) ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларида иштирок этиш мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар

III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

3.1. Ходим ва **Иш берувчи** ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар (шу жумладан тармоқ (тариф) келишувлари, ҳудудий (минтақавий) келишувлар ва мазкур **Шартнома**) қоидаларига биноан ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Бунда меҳнат шартномаси тарафларининг биронтаси бошқа тарафнинг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

3.2. Ишга қабул қилиш шунингдек:

а) танлов асосида (Танлов тўғрисидаги Низом **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб тасдиқланади);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг буюртмаси бўйича касаначи томонидан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун Намунавий меҳнат шартномаси»га биноан тузилган касаначи томонидан иш берувчининг буюртмасига биноан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун меҳнат шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.3. Мутахассислигига, малакасига ва меҳнат шартно-

6

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига биноан касаба уюшмаси органларига сайланиб, ишлаб чиқариш фаолиятидан озод этилган шахсларга уларнинг ваколат муддатлари тугаганидан сўнг аввалги ёки шунга тенг иш берилишини таъминлаш учун **Иш берувчи** бундай ходимларнинг бўшаб қолган иш ўринларига янги ходимларни фақатгина муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаларига биноан ишга қабул қилиш мажбуриятини олади.

14.9. Асосий ишидан озод этилмаган **Касаба уюшмаси қўмитаси** раисига Корхона ҳисобидан ҳар ойда _____ миқдорда қўшимча ҳақ тўланади.

14.10. Халқаро меҳнат ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўхатга олинган «Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом»нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуйидаги тоифалари мазкур **Шартнома** мақсадларида **Меҳнаткашлар вакиллари** деб эътироф этилади:

а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органлари аъзолари;

б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;

в) меҳнат низолари комиссияси аъзолари;

г) _____;

д) _____.

14.11. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган **Меҳнаткашлар вакилларига** жамоатчилик ишларини бажариш учун ҳар ҳафтада икки соатдан бўш вақт берилади ва бу давр учун уларга ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

14.12. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган **Меҳнаткашлар вакилларига** интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан **Иш берувчи** ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга оши-

43

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Кенгаши ва Республика Маънавият тарғибот маркази тавсиялари асосида жиҳозлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стенд ва техник воситалар билан таъминлаш;

10.2.2. Давлат дастурларини бажариш борасида меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида таниқли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илғорларини жалб этган ҳолда, ҳар хил мавзудаги мазмунли ва қизиқарли учрашувлар ташкил этиш;

10.2.3. тасарруфдаги кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, маданият уйлари ва саройлари фаолиятини **Корхона** ҳисобидан янада ривожлантириш, уларни сақлаб туриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларини янгилаш, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, миллий ғоя ва маънавий-маърифий дунёқарашни ўстириш борасида тадбирлар ўтказиш;

10.2.4. ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий ҳаваскорликнинг янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиб, республиканинг тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган қадимий шаҳарларига саёҳатларини уюштириш;

10.2.5. умумхалқ ва бошқа байрамларни нишонлаш кунларида касб маҳорати ва бадиий ҳаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ва тадбирлар уюштириш.

10.3. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

10.3.1. жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш;

10.3.2. касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш.

10.3.3. **Корхона** балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар ва майдончаларнинг фаолиятини корхона ҳисобидаги маблағлардан янада ривожлантириш, моддий-

34

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

зирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли қарори асосида тузилган банк ва мижоз ўртасидаги хизмат кўрсатиш шартномасига биноан) банк раҳбариятига жарима ундириш тўғрисида талабнома киритишни ва ундирилган жаримани меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишга йўналтиришни ўз зиммасига олади;

5.8.2. кечиктирилиш муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги сабабли содир бўлганда - **Иш берувчи** дебитор қарзларни жарималар, пенялар билан бирга ундиришни ва ундирилган маблағни меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишга йўналтиришни ўз зиммасига олади;

5.8.3. кечиктирилиш депозит рақамида маблағнинг йўқлиги сабабли содир бўлганда - **Иш берувчи** тижорат банкидан кредит олиб меҳнат ҳақини тўлашни ўз зиммасига олади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарорига биноан).

5.9. Меҳнат ҳақи, таътил учун ҳақ, ишдан бўшаш ва бошқа ҳолатлар бўйича тўланадиган тўловлар **Иш берувчининг** айби билан (шу жумладан 5.8.1, 5.8.2, 5.8.3-бандлар талабларига риоя этилмаганлиги сабабли) ўрнатилган муддатларга нисбатан кечиктирилганда **Иш берувчи** ҳар бир кечиктирилган кун учун ходимга ____ фоиз миқдорида (лекин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1/300 қисмидан кам бўлмаган миқдорда) пуллик компенсация тўлайди.

5.10. **Иш берувчи** меҳнатга ҳақ тўлашга ва меҳнатни меъёрлаштиришга оид локал ҳужжатларни, шунингдек уларни жорий этиш тартибини **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб олади.

5.11. Ходимларни мукофотлаш Корхонанинг мукофотлаш тўғрисидаги Низомига асосан амалга оширилади **(12-илова).**

5.12. **Корхонада** оширилган миқдордаги меҳнат ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг қуйидаги турлари ва миқдорлари ўрнатилади:

5.12.1. тунги вақтдаги иш учун - _____ баравар миқдорда, (камида бир ярим)

кечки сменадаги иш учун _____ баравар миқдорда ҳақ тўланади;

5.12.2. иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун _____ баравар миқдорда ҳақ тўланади ; (камида икки)

5.12.3. кўп сменали режимдаги иш учун ____ фоиз

15

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

4.1. **Корхонада** иш ҳафтасининг қуйидаги муддатлари қабул қилинади (соат):

а) нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун - 40 соатдан ортиқ бўлмаган муддат;

б) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун - 36 соат;

в) I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар учун - 36 соат;

г) меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубият асосида шаҳодатдан ўтказилган ишларда банд бўлган ходимлар учун - 36 соатдан ортиқ бўлмаган муддат (27-илова);

д) _____;

е) _____.

4.2. Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар ҳамда меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақти муддатининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли Қарори билан белгиланади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгилаб қўйилиши шарт:

а) оила аъзоларидан бирининг бетоблиги;

б) ишнинг таълим билан қўшиб олиб борилиши;

в) профилактик даволаниш зарурияти;

г) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар туфайли ходимлар сони қисқаришининг олдини олиш;

д) расмий рўйхатга олинган динларга мансуб ходимлар учун диний маросимларни адо этиш ҳамда рўза тутиш зарурияти;

е) _____.

4.4. Тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш муддати ходим билан **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Тўлиқсиз иш вақти режимидаги меҳнат учун ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

4.5. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларга қўшимча равишда ходимнинг илтимосига биноан **Иш бе-**

10

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

тон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ____ баравари миқдорида қўшимча ҳақ тўлаш;

12.4.8. ёш ходимлар ва ёш оилалар учун банклар томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларни олишда кафиллик қилиш;

12.4.9. ишга келган ёш мутахассисларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ____ баравари миқдорида бир марталик тўлов бериш;

12.4.10. Қуйидаги ҳолларда фоизсиз ссудалар бериш:

а) ёш оила аъзолари бўлган ходимларга – мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол молларини харид қилиш ва уй-жой қурилиши учун;

б) сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилган ходимларга - пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига киритиш учун.

12.5. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланган имтиёзларга қўшимча тарзда қуйидагилар кафолатланади:

12.5.1. ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун зарур бўлган кундалик иш вақтининг бошланиши ва тамом бўлиши ходимга мақбул вақти ўрнатилиши

12.5.2. иш ҳафтасини яна ____ фоизга қисқартириш;

12.5.3. йилда ____ иш кунидан иборат қўшимча меҳнат таътили бериш;

12.5.4. йилда 14 календарь кунидан кам бўлмаган иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш.

12.6. **Иш берувчи** ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимларга йилда бир марта лаборатория-имтиҳон сессиялари (шунингдек диплом ишларини ҳимоя қилиш (битирув имтиҳонларини топшириш) даврида, ўқув муассасасига бориб келиш учун йўлкира харажатининг _____ фоизи миқдорида йўлкира пули (камида 50)

тўлайди.

12.7. Касаба уюшмаси қўмитаси мажбуриятлари:

а) ёш ходимларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш ишларини янада мукаммаллаштириш учун мавжуд ҳуқуқий-норматив базадан фойдаланиш;

б) ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш, жамоат ишида фаоллик кўрсатганларни мунтазам равишда тақдирлаш;

39

■ **Э.НУРМУҲАММЕДОВ,**
Зарафшон ихтисослаштирилган прокурори ёрдамчиси

Қонун Ва ижро

Юртимизда фуқаролар манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга устувор вазифа сифатида аҳамият бериб келинади.

Фуқаролар манфаати ҳимояда

Жумладан, Зарафшон ихтисослаштирилган прокуратурасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган. «Прокуратура тўғрисида» ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунлари, республика Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги «Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида»ги 37-сонли буйруғи асосида муайян ишлар олиб борилаётир.

Ўтган йилда ихтисослаштирилган прокуратурага фуқаролардан 118 та ариза ва шикоят келиб тушган. Шундан 32 таси бевосита прокуратура ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, жойида ҳал қилинди. 86 таси эса тегишлилиги бўйича бошқа ташкилот ва муассасаларга юборилди.

Мурожаатлардан бирида таъкидланишича, И.Рыжков Навоий КМК Шимолий кон бошқармасида ишлаб, 1980 йилда касб касаллиги билан нафақага чиққан. У Россия Федерациясининг Твер вилоятига кўчиб кетгандан сўнг нафақа пули Учқудуқ шаҳридаги почта бўлими орқали юбориб турилган. Лекин И.Рыжков доимий яшаш жойидан тегишли маълумотномани Шимолий кон бошқармаси ҳисобхонасига қарийб икки ой кеч жўнатганлиги боис, 2011 йилнинг дастлабки беш ойи учун бериладиган нафақаси кечиктирилган. Прокуратура аралашуви билан ариза муаллифининг 2010 йил декабр ойидан 2011 йилнинг май ойига қадар юборилмай қолган 738871 сўм нафақа пули почта орқали доимий яшаш манзилига юборилиши таъминланди. Қонунбузарликка йўл қўйган ҳисобхона ходимлари Л.Кузембаева ва Л.Соколовага нисбатан ижтимоий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

Шунингдек, Зарафшон шаҳар 6-кичик туман 29-уй 79-хонадонда яшовчи Ж.Рўзиев, М.Султонов ва бошқаларнинг аризасида 2010 йилнинг ноябр, декабр ойлари учун иш ҳақларини «Қизилқумолтин» футбол клубидан ололмаётганлиги билдирилганди. Текшириш жараёнида тўланмай келинган ойлик иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди. «Қизилқумолтин» футбол клуби бошлиғи Ф.Жалилов қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди.

Бундан ташқари, иш ҳақини вақтида тўлаб бермаслик ҳолатлари «Амантайтау Голдфилдс» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси, «Қизилқумшина» МЧЖда ҳам қайд этилди. Прокуратура аралашуви билан ариза муаллифларининг иш ҳақлари тўлиқ ундирилди.

«BUXORO MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарори асосида қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

I. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахбротлаштириш бош маркази давлат унитар корхонаси Бухоро вилоят бўлимиининг 2012 йил 4 январдаги 01-01-сонли буюртма хатига асосан, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 28/1-уйда сақланаётган корхонага тегишли «Ваз-21060» русумли, д/р 20 AD 303 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 188 500 сўм.**

II. Бухоро вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ Когон туман филиалининг 2012 йил 9 январдаги 9-сонли буюртма хатига асосан, Когон тумани, Беклар ҚФЙда сақланаётган корхонага тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари:

1. «Ваз-21063» русумли, д/р 20 AE 791 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 282 400 сўм.**

2. «Иж-21251» русумли, д/р 20 AE 790 бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 572 200 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 21 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 21 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 28 феврал ҳамда 2012 йил 6 ва 13 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Buxoro mulk markazi» МЧЖнинг Турон банк Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904942748002, МФО: 00111, СТИР: 302127400.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. **Телефонлар:** (8-365) 223-71-36, 223-71-30.

“SURXONDARYO MULK MARKAZI” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Денов туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Денов туман судининг 2011 йил 20 апрелдаги 1-122-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган фуқаро К.Мусурмоновга тегишли, Денов туман ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

1. Тико русумли, д/р 19 К 5976, 1998 й и/ч, таъмир талаб автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 7 590 001 сўм.**

Аукцион савдоси 2012 йил 27 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 24 феврал куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖнинг ХОАБб «Трастбанк» Сурхондарё вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. **Телефон:** (8-376) 227-57-94.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси жамоаси бошқармининг молия бўлими мудири-бош ҳисобчиси **Шаҳноза РАҲМАТУЛЛАЕВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси кенгаш раиси ўринбосари Рустам Қосимовга қайнотаси **РАҲИМ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

9. Йиллик қўшимча таътил бериладиган раҳбар ва мутахассис кадрлар лавозимлари рўйхати.

10. Ходимларга оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

11. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом.

12. Мукофотлаш тўғрисидаги Низом.

13. Ходимга тегишли мол-мулкдан (автотранспорт воситаларидан ташқари) фойдаланганлик учун харажатларни қоплаш меъёрлари.

14. Ходимларга кўчиб юриш билан боғлиқ ишлар учун устамалар тўланадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

15. Доимий иши қатнаб бажариладиган характерга эга бўлган, шунингдек бириктирилган участкалар доирасида хизмат қатновларида ходимлар сарф-харажатларини қоплаш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

16. Корхона (тармоқ)даги кўп йиллик меҳнати учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом.

17. Вахта услубидаги иш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

18. Ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

19. Ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари ўрнатиладиган ходимлар касблари рўйхати.

20. Ишдаги иқлим шароитлари учун ёз ва қиш фасларида қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

21. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар.

22. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга (асосий ишидан озод этилиб ёки этилмасдан) жалб қилинган юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом.

23. Корхонада амалиёт ўтувчи олий ўқув юртлари та-

46

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

етказилиши оқибатида жабрланган собиқ ходимларга;

· меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ходим қарамоғида бўлган ва зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга;

· касаба уюшмаси аъзоларига (касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан бериладиган қўшимча имтиёзлар қисмида).

1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган «Касаначилик тўғрисида Низом»га биноан мазкур **Шартноманинг** иш ҳафтасининг муддатига (4.1-банди), тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақга (5.12.1-кичик банди), иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақга (5.12.2-кичик банди) оид меъёрий қоидалари касаначиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

1.5. **Шартномага** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг ўзаро розилиги билан Меҳнат кодексида уни тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.6. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар мазмунига қилинган ишораларнинг барчасида уларнинг мазкур **Шартномани** тузиш чоғидаги таҳрири назарда тутилган.

1.7. **Иш берувчи** барча ходимларни, шу жумладан, ишга янги қабул қилинган ходимларни, жамоа шартномаси, шунингдек **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб қабул қилинган **Корхонанинг** бошқа локал ҳужжатлари билан таништириш, жамоа шартномасининг мазмунига ва бажарилиши шартларига оид маълумотлар ошкоралигини (мажлислар, конференциялар, масъул ходимлар ҳисоботлари, ахборот стендлари, тармоқ нашрлари ва ҳоказолар орқали) таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

2.1. Тарафлар меҳнат вазифаларининг ҳалол ва сифатли бажарилиши ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этадилар.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги **«Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»**ги Фармони қоидалари амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар:

3

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ғини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида, белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартиришлар киритиб борилади.

8.5. Ҳар бир ходим унинг иш жойидаги меҳнат шароитларига қўйиладиган меъёрий талаблардан, шунингдек бу шароитларнинг ҳақиқий аҳволи, хусусан ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартиблари, имтиёзлар ва компенсация тўловлари, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисида муттасил хабардор қилиб борилади.

8.6. Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхонанинг меҳнат муҳофазаси хизмати зиммасига юклатилади.

8.7. Ўтган йилда ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликлари ҳолати йилнинг биринчи февралигача таҳлил қилиб чиқилади, меҳнат муҳофазасини яхшилаш юзасидан комплекс режанинг ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг бажарилишига якун ясалади

8.8. Келгуси йил жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимини тайёрлаш жараёнида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказилади ва 1 февралгача иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилади.

Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификациясини биринчи мартгача тузиб чиқиш ва уларни етказиб бериш тегишли бўлинмага, уларни маблағ билан таъминлаш молия бўлимига топширилади.

8.9. Техника хавфсизлиги хоналари учун оргтехника воситалари, меҳнат муҳофазаси бурчакларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш учун зарур бўлган техник воситалар, ўқув ва кўргазмали қуроллар, тарғибот-ташвиқот воситалари, плакатлар ва бошқа анжомларни сотиб олади.

8.10. Корхонани қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ барча тадбирларни 1 октябргача бажаради.

8.11. Санитария-маиший биноларининг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (таъмирланиши, реконструкция қилиниши, ёки янгидан қурилиши лозим бўлган бино ёки хоналар, бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилади).

8.12. Ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходи-

22

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

моий-маиший хизмат меъёрларида кўзда тутилган меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол равишда бузса, ходимни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф туғилса, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора тадбирлар киритилмагунча у тегишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда:

8.36. Корхонанинг ташкилий тузилмалари кесимида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияларнинг миқдорий таркибини аниқлайди, уларнинг сайлови, ўқувини (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказади ва тегишли гувоҳномалар беради.

8.37. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакиллар ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиясининг энг яхши аъзоларини тақдирлайди (маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг аниқ турларини кўрсатган ҳолда уларнинг ишларига якун ясайди). Голибларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 2011 йил «27» январдаги 1 – 9 сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида»ги Низомда белгиланган тартибда юқори касаба уюшма ташкилотларига тавсия этиши мумкин.

8.38. «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 273-рақам билан рўйхатга олинган) талабларидан келиб чиққан ҳолда тасдиқланган Низомга биноан корхона ва унинг ташкилий тузилмаларида меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан маъмурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услубини жорий этади ва олиб борилишини таъминлайди.

8.39. Ҳар ___ нафар ходимга (ишлаб чиқаришдаги шароитларга, бўлинма ва участкаларда жамоатчилик назоратини олиб бориш эҳтиёжига қараб) бир нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни мазкур **Шартноманинг** амал қилиш муддатига сайлаб қўйилишини таъминлайди.

8.40. Йил давомида меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларни белгиланган энг кам иш ҳақининг _____ баробари миқдорида пул муко-

27

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа ва Интернетга уланиш воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш мажбуриятини олади.

14.7. **Касаба уюшмаси қўмитаси:**

а) **Корхона** ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

д) иш жойларидаги мавжуд камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

е) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида таъминлаш;

ж) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

з) касаба уюшмаси аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

и) ҳар хил танловлар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлар учун рағбатлантирувчи совғалар ва мукофотлар таъсис этиш;

к) касаба уюшмалари Федерациясининг «Ishonch», «Ishonch-Доверие» газеталарига обунани таъминлаш мажбуриятини олади.

14.8. Ўзбекистон Республикасининг «Касаба

42

масига мувофиқ ходимлар тўла-тўкис иш билан таъминланадилар.

3.4. Меҳнат шартномасини **Иш берувчининг** ташаббуси билан бекор қилиш фақатгина Касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

(Меҳнат шартномаси:

- **Корхона** тугатилиши муносабати билан;

- **Корхона** раҳбари билан тузилган шартномани Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;

- **Корхона** раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган Меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинган тақдирда **Касаба уюшмаси қўмитасининг** розилигини олиш талаб этилмайди.)

3.5. Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш **Корхонада** мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати ходим ва Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар деб қуйидагилар ҳисобланади:

3.5.1. бетоб оила аъзосини парваришлаш зарурияти;

3.5.2. ишнинг таълим билан қўшиб олиб борилиши;

3.5.3. молиявий қийинчиликлар;

3.5.4. аввалги иш жойида ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи омиллар вужудга келиши;

3.5.5. _____;

3.5.6. _____.

3.6. Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан **Иш берувчининг** ташаббусига кўра ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш, ташкилий-техник тусдаги ёки бошқа объектив сабабларга кўра иш вақтинча тўхтатилиши бекор туриб қолиш деб ҳисобланади.

Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун ишлаб чиқариш зарурияти деб қуйидаги ҳолатларда бажарилиши лозим бўлган тез-

7

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

иш стажига биноан ходимнинг ойлик тариф ставкаси (лавозим маоши)га тўланадиган устамалар;

5.12.13. вахта услубидаги иш учун устамалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 28 ноябрда 551-рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Узоқ масофада жойлашган ва ўта муҳим объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг вахтали услуби ҳақидаги Низом»га биноан);

5.12.14. ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар (иш жойларини шаҳодатлаш натижаларига кўра);

5.12.15. ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1993 йил 8 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорларда);

5.12.16. ишдаги иқлим шароитлари учун ёз (июнь, июль, август) ва қиш (декабрь, январь, февраль) фасларида қўшимча тўловлар;

5.12.17. иш жараёнида зарарсизлантириш воситаларидан фойдаланганлиги учун ҳожатхона фаррошларининг лавозим маошларига 10 фоиз миқдорида компенсация.

(5.12.10, 5.12.11, 5.12.12, 5.12.13, 5.12.14, 5.12.15, 5.12.16-бандларда назарда тутилган устамалар, қўшимча тўловлар ҳамда оширувчи коэффициентлар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхатлари мазкур **Шартноманинг 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20-иловаларида** келтирилган.)

5.13. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун **21-иловада** келтирилган камайтирилган ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади.

5.14. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга (асосий ишидан озод этилиб ёки этилмасдан) жалб қилинган юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш **22-иловага** биноан амалга оширилади.

5.15. **Корхонада** амалиёт ўтувчи олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг меҳнати учун ҳақ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 40-сонли Қарори билан тасдиқланган «Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг корхона, ташкилот, муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш тартиби

18

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

техникавий базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентар ва жиҳозларини янгилаш.

10.3.4. касаба уюшмалари жисмония тарбия ва спорт жамияти билан алоқани мустаҳкамлаш;

10.3.5. жисмоний тарбия бўйича қўшимча йўриқчи лавозимини Корхона маблағлари ҳисобидан киритиш имкониятини кўриб чиқиш;

10.3.6. бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламдаги ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш мақсадида ҳар ойда 2 марта «Маънавият соатлари»ни ўтказиб бориш.

XI. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

11.1. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 224, 237, 228, 229, 143, 231, 233-моддалари);

б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалари);

в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 228[1], 234, 237-моддалари);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (150, 232-моддалари);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалари);

ж) онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалари);

11.2. Иш берувчининг мажбуриятлари:

11.2.1. қисқартирилаётган аёлларни меҳнат бозорида талаб бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш;

11.2.2. аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериш;

11.2.3. иш берувчининг ташаббуси билан бўшатиб олинаётган аёлларга вақтинчалик иш ўринлари яратиб бериш (корхонада юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш

31

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

рувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган ходимларга **Иш берувчи** томонидан (иш ҳақи тўлиқ миқдорда сақлаб қолинган ҳолда) қисқартирилган иш куни ёки иш ҳафтаси ўрнатилади (ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари учун шартнома бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

4.6. _____ларида

(таркибий бўлинмаларнинг номи)

иш вақти (смена) муддати суткасига ўн икки соат миқдорида белгилаб қўйилади ва иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинади. Бунда иш вақтининг _____ балансига риоя этилади. ойлик, чораклик, ярим йиллик ёки йиллик)

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш хусусида белгиланган чеклашларга (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 220-моддасининг бешинчи қисми ва 228, 245-моддаларига) риоя қилган ҳолда жорий этилади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати 4-иловада келтирилган.

4.7. Иш вақти жамлаб ҳисобга олиниши режимида банд бўлган ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдори тенглаштирилиши кафолатланади (ҳисобга олинадиган давр якунлари бўйича тўғирлаб қўйиш шарти билан). Бунда ҳисобга олинадиган давр мобайнида иш соатларининг нормал миқдоридан кўп ишлаганлик учун иш вақтидан ташқари ишлар учун ўрнатилган баҳоларга биноан ҳақ тўланади ёки ходимнинг хоҳишига кўра дам олиш куни берилади.

4.8. Иш берувчи томонидан йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда меҳнат қилувчилар учун корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан махсус танаффуслардан фойдаланиш имконияти берилади. Бунинг учун иш бажариладиган жойда махсус иситиладиган хона ажратилади. Ушбу танаффуслар ҳақ тўланадиган иш вақтига киритилади. Бундай махсус танаффуслар бериладиган касблар, лавозимлар ва ишлар рўйхати 5-иловада келтирилган.

4.9. Ишдан ташқари вақтларда ишга жалб этиш фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

4.10. Иш кеч (соат 22.00 дан кейин) тамом бўлган ҳолларда **Иш берувчи** ходимларни ишга олиб келиш ва олиб кетиш мажбуриятини олади ва навбатчи транспорт

11

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

5.1. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ва ишбай шаклларидан қўлланилиб, бунда вақтбай - мукофотли (ёки оддий вақтбай) ҳамда бевосита ишбай (ёки ишбай - мукофотли, ишбай-прогрессив, билвосита ишбай, аккорд) меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларидан фойдаланилади.

5.2. Меҳнат ҳақи Ягона тариф стекаси (ёки **Иш берувчи** томонидан **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб тасдиқланадиган ___ разрядли тариф сеткаси) бўйича тўланади **(11-илова).**

5.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинса Корхонанинг тариф сеткаси ҳам қайта кўриб чиқилиши лозим.

5.4. Корхонада энг паст лавозимдаги ходимлар тариф сеткасининг 1-разряди (тариф коэффициенти - камида 2,476) бўйича тарификация қилиниши таъминланади.

5.5. Корхона бўйича ўртача иш ҳақи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ____ бараваридан кам бўлмаган миқдорга етказилади. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми 50 фоиздан кам бўлмайди.

5.6. Иш ҳақини тўлаш муддатлари:

· ойнинг биринчи ярми учун - жорий ойнинг ____ санасида;

· ойнинг иккинчи ярми учун - _____ кейинги ойнинг _____ санасида.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади.

5.7. Ходимнинг розилиги билан иш ҳақининг бир қисми унинг пластик карточкасига ўтказиб берилади, бундай ўтказма миқдори тўланадиган сумманинг____ фоизидан ошмайди.

5.8. Ходимга ҳақ тўлаш мазкур **Шартноманинг** 5.6-бандида белгиланган муддатларга нисбатан кечиктирилганда қуйидаги чоралар кўрилади:

5.8.1. хизмат кўрсатувчи банкнинг айби билан содир бўлганда – **Иш берувчи** (Ўзбекистон Республикаси Ва-

14

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ни ўз зиммасига олади. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 9 сентябрда 2262-рақам билан рўйхатга олинган «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 23-бандига биноан).

9.9. Ходим сурункасига бир ойдан ортиқ касал бўлганида унга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ____ бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини **Иш берувчи** ўз зиммасига олади.

9.10. **Иш берувчи** ходимнинг ота-онасидан бири ёки яқин-қариндоши вафот этганда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатади ёки шу сумма доирасида дафн маросими хизматларини кўрсатувчи фирма билан тузилган шартнома учун пул ўтказиб беради.

9.11. Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда унинг оиласига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

9.12. **Иш берувчи** ходимнинг иш вақтида овқатланиш сарф-харажатларини у ишлаган ҳар бир тўлиқ ой учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ____ баравари ҳисобидан келиб чиққан ҳолда қисман қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.13. **Иш берувчи** шаҳар йўловчи транспортида (таксидан ташқари) юриш ҳуқуқини берувчи ойлик чипта нархи (ёки 100 та қатнов қиймати) миқдорида ходимнинг йўлкира харажатларини ҳар ойда қоплаб боради.

9.14. Ҳар йили куз мавсумида **Иш берувчи** корхонанинг рўйхатдаги ходимларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғи чегириб ташлангандан сўнг Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ____ бараварига тенг келадиган пуллик компенсация тўланишини таъминлайди.

9.15. Навбатдаги меҳнат таътилига кетаётган ходимга **Иш берувчи** томонидан профилактик даволаниш учун Низомга мувофиқ моддий ёрдам кўрсатилади **(32-илова).**

9.16. **Корхона** (тармоқ)да ____ ва ундан кўп йил иш-

31

фоти билан моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатади.

Цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма ташкилоти билан келишилган ходимлар номзоди меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тақдирлашга тавсия этилади.

8.41. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар учун корхона уларнинг олдида моддий жиҳатдан жавобгар эканлигини томонлар қайд этади.

Томонлар шунга келишдики, корхона жабрланувчига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунларга мувофиқ иш берувчи жабрланувчига ёки зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга қуйидагиларни:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларида тўланиши кўзда тутилган миқдорига нисбатан ___ % кўп миқдорда бир марталик нафақа тўлайди;

- зарар кўрганга ёки зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тўланиши керак бўлган ойма-ой тўлов ҳақига қўшимча равишда ___%дан _____%гача қўшимча ҳақ тўлайди. Кўрилган зарар миқдори йўқотилган касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ва жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлигини ҳисобга олинган (корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгиланади;

- меҳнат вазифасини бажараётиб ёки корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир ишни амалга ошираётганда ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисини йўқотган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи ҳалок бўлганнинг ўртача 6 (7, 8, ...,) йиллик даромади миқдорида бир марталик нафақа (лекин бу олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас) тўлайди, шунингдек дафн этиш харажатларини қоплашни ўз зиммасига олади;

- ходим ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда жароҳатланганда ёки касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотганда (Ўз. Р. ВМнинг 2002 йил 28 февралдаги 71-сонли қарори билан тасдиқланган «Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш

VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
Иш берувчининг мажбуриятлари

Иш берувчи:

8.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (шартнома муддатида, ҳар йили) 20___ йилга_____минг (млн.) сўм маблағни:

- Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари режаси ва сарф-харажатлар сметаси)га _____ минг (млн.) сўм,

- махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари учун _____ минг (млн.) сўм,

- сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун _____ минг (млн.) сўм,

- гигиена воситалари (ювиш воситалари ёки совун) учун _____ минг (млн.) сўм цех (бўлим), участка ва ишлаб чиқаришлар бўйича тақсимлаб чиққан ҳолда ажратиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Барча режалаштирилган ва ажратишга келишилган маблағлар миқдори жамоа шартномасининг амал қилиш муддати давомида энг кам иш ҳақи миқдорининг ошириб борилишига мутаносиб равишда ошириб борилади.

8.2. Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (календар йил учун тузилади) жамоа шартномасига илова қилинади **(1-илова).**

8.3. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»га биноан Меҳнатни муҳофаза қилиш фондини барпо этади ва уни ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфлайди.

8.4. **Иш берувчи** ҳар бир иш жойига мослаб иш шароити бўйича меъёрий талабларни ишлаб чиқиш **мажбуриятини ўз зиммасига олади.** Бу меъёрий талаблар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак.

Ходимларнинг меҳнат шароити, шунингдек меҳнат жараёни ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талабларнинг ортиши (ўзгариши) муносабати билан, ходимлар соғли-

- модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштиришга, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мосланувчан технологияларни татбиқ этишга;

- ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) рақобатбардошлигини янада оширишга, янги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) турларини сотиш ҳажмларини кенгайтиришга ҳамда уларни сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштиришга;

- иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этишга, жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини кескин камайтиришга;

- техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилишга, маҳсулот сифатини бошқаришнинг халқаро стандартларини татбиқ этишга;

- мосланувчан нарх-наво сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш хусусида келишиб олдилар.

2.3. Шу мақсадда **Иш берувчи:**

а) **Корхона** мувофаққиятли фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизоми кўтарилишига эришиш, ишловчиларнинг касб маҳоратини юксалтириш, тариф ставкалари ва ишбай баҳолар амалдагиларига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;

б) ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;

в) меҳнат унумдорлигини юксалтириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

г) ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, **Корхонанинг** молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш;

д) **Корхонанинг** ўзида, зарур ҳолларда эса умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий ва қўшимча таълим муассасаларида ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

(Касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака оширишнинг шакллари ҳамда бундай ўқувларни ташкил этиш шартлари, тартиби, зарур касблар ва мутахассисликлар рўйхати тегишли **Низомда** белгилаб қўйилади **(2-Илова);**

дик бўлимларида ҳамда **Касаба уюшмаси қўмитасида** танишишлари мумкин.

15.9. **Шартноманинг** амал қилиш даврида ёки амал қилиш муддатини узайтириш даврида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қўшимча келишув кўринишида бўлган алоҳида ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, мазкур **Шартноманинг** ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

15.10. Жамоа шартномасининг иловалари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

XVI. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

16.1. Тарафлардан бирининг мазкур **Шартномада** белгиланган шартлар бажарилмаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги ҳақида берган тақдимномалари бошқа тараф томонидан икки ҳафта муддатда кўриб чиқилади.

16.2. Жамоа шартномаси мажбуриятларининг бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур Шартномада белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий РЎЙХАТИ

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Битим.

2. Ходимларнинг касбий тайёргарлиги, уларни бошқа касбга ўргатиш, малакасини ошириш, иккинчи касбга ўргатиш ишлари тўғрисида Низом.

3. Корхонада касаначилик меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида Низом.

4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

5. Йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда ишлагани учун ходимларга иш вақтида махсус танаффуслар бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

6. Ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

7. Ходимларга алоҳида тусдаги ишларда, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

8. Ходимларга Корхонада (тармоқда)ги иш стажи

лаган ходим ёшга доир (ёки ногиронлик сабабли) пенсияга кетаётганда унга лавозим маоши (ўртача иш ҳақи)нинг _____ баравари миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

9.17. **Иш берувчи** кўп болали, кам таъминланган оилалар аъзоларига, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳисобланадиган собиқ ходимларга, **Корхонада** меҳнат қилган марҳум ходимларнинг балоғатга етмаган фарзандларига йил давомида қўшиб ҳисоблаганда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиб боришни ўз зиммасига олади.

9.18. **Иш берувчи:**

9.18.1. _____ нафар ходим (шу жумладан камида _____ нафар кам таъминланган ходим) учун ижтимоий суғурта бюджети маблағидан олинган йўлланмалар қийматини қисман қоплайди;

9.18.2. Ўзбекистон Республикаси санаторий-курорт муассасаларида _____ нафар ходимни, шу жумладан камида _____ нафар ногирон, ёлғиз қария, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оила аъзоларининг дам олишларини ва соғломлаштиришларини **Корхона** ҳисобидан ташкил этади.

9.19. Ўсиб келаётган ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида тарафлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

9.19.1. ҳар йили ўқув йили бошланиши арафасида умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган кўп болали кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ҳар бир болага Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ фоизи ҳисобидан келиб чиққан ҳолда дарсликлар ва ўқув қуроллари харид қилиш;

9.19.2. ходимлар фарзандларига ҳар йили янги йил совғаларини **Корхона** ҳисобидан топширилишини ташкил этиш;

9.19.3. ходимлар фарзандларининг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини таъминлаш;

9.19.4. ходимларга болалар соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланмалари нархини, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор ходимларга эса – шунингдек дам олиш уйлари, санаторийлар, профилакторий йўлланмалари нархини **Корхона** ҳисобидан тўлаб бериш;

9.19.5. **Корхонага** қарашли болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олувчи болаларни, шунингдек санаторий-профилакторийда дам олувчиларни овқатлантириш учун касаба уюшмалари ихтимоий суғурта бюдже-

хизмат мақсадлари учун (хизмат сафаридан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш Тартиби» меъёрлари асосида тўланади;

5.12.8. **Иш берувчининг** розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулк (асбоб-ускуналар, ашёлар ва ҳоказолар)дан (автотранспорт воситасидан ташқари) фойдаланганда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида келтирилган меъёрлар асосида ҳисоблаб чиқилган амортизацияси доирасида харажатлар қопланади **(13-илова);**

5.12.9. **Иш берувчининг** таклифига биноан ходим бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда унинг қуйидаги қўшимча харажатлари тўланади:

а) кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;

б) янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

в) ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

5.12.10. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1992 йил 17 ноябрдаги 11/30-сонли қарори билан тасдиқланган «Фаолият тури ва мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасаларда кўчиб юриб ва қатнаб бажариладиган характердаги ишлар учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом»га биноан ишлаб чиқариш заруриятига кўра (доимий яшаш манзилига кунлик қайтишнинг имконияти бўлмаган ҳолатларда) ходимнинг кўчиб юриши ёки доимий иш жойидан узоқда бўлиши билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатларини қоплаш мақсадида **кўчиб юриб бажариладиган характердаги ишлар** учун устамалар;

5.12.11. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1992 йил 17 ноябрдаги 11/30-сонли қарори билан тасдиқланган «Фаолият тури ва мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасаларда кўчиб юриб ва қатнаб бажариладиган характердаги ишлар учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом»га биноан ходимнинг корхонадан анча узоқда жойлашган объектларда бажариладиган ва ишдан ташқари вақтларда корхона манзили (ёки йиғилиб кетиш жойи)дан объектдаги иш жойигача бориб келиш қатновлари билан боғлиқ ишлардаги қўшимча сарф-харажатларини қоплаш мақсадида **қатнаб бажариладиган характердаги ишлар учун устамалар;**

5.12.12. корхона (тармоқ)да кўп йиллик меҳнати учун

кор ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар ҳисобланиши мумкин:

3.6.1. бошқа ходимнинг ишда вақтинчалик ҳозир бўлмаган даврида (ўқув сессиясига, меҳнат таътилига ва ҳақ тўланмайдиган таътилга кетиши, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли);

3.6.2. табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ҳодиса, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда;

3.6.3._____;

3.6.4._____.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти ёки бекор туриб қолинишининг бутун даври билан белгиланади. Барча ҳолларни жамлаб ҳисобланганда **Иш берувчининг** ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида 60 кундан ошмаслиги лозим (Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 29-Конвенцияси).

Ходим **Иш берувчининг** ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

3.7. **Иш берувчи** ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ---------- (камида икки ой) олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. **Иш берувчи,** шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Корхона ходимларининг рўйхатдаги сонидан камида ___ фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.

3.8. **Иш берувчи** қисқартирилаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитиш ишларини ташкил этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.9. Ходимлар сони қисқартирилаётганда қисқартириш оқибатларини юмшатишга қаратилган қуйидаги чо-

13.4. Меҳнат низолари комиссиясини ташкилий-техникавий таъминлаш ишлари **34-иловага** асосан амалга оширилади.

13.5. Жамоаларга доир меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

XIV. ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ

14.1. **Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси** ўзаро муносабатларида ижтимоий шериклик, ҳамкорлик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш тамойилларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

14.2. **Иш берувчи** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига биноан касаба уюшмасининг ҳуқуқларига риоя қилади, унинг фаолиятига ҳартомонлама кўмаклашади;

14.3. **Иш берувчи Корхонада** ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида **Касаба уюшмаси қўмитасини** тан олади.

14.4. Томонлар касаба уюшмаси аъзоларининг ёзма аризалари асосида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари **Корхона** бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиб борилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

14.5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 30 январда 615-рақам билан рўхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га биноан **Корхона** ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

14.6. Иш берувчи:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан олдиндан келишиб олиш;

б) **Касаба уюшмаси қўмитаси** талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) **Касаба уюшмаси қўмитасининг** уставда белги-

ўчун вақтинчалик меҳнат жамоаларини ташкил этиш);

11.2.4. корхонада меҳнати вақтинчалик фойдаланилмайдиган аёллар учун касаначиликни ташкил этиш;

11.2.5. ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги сабабли қисқартириш ўрнига малакали аёл кадрлар билан таъминланган ишлаб чиқариш бўлинмаларини тўлиқсиз иш вақти режимига ўтказиш;

11.2.6. **Корхона** (тизим бирлиги) реконструкциядан сўнг ишга тушганда унда ишга жойлаштириш учун қайта ўқитилган ва илгари мазкур корхонада меҳнат қилган аёлларга афзалликлар бериш;

11.2.7. тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга _____ цехлардан енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган _____ иш ўринлари ажратиш;

11.2.8. ҳомиладор аёлларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари учун уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш, агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса;

11.2.9. ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини қонунда белгиланганига нисбатан _____ ой (календарь кунлар)га узайтириш;

11.2.10. қарамоғида 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парваришлаш таътилида бўлган аёлларга ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараварида моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

11.2.11. тўрт ва ундан ортиқ вояга етмаган фарзандлари бор аёлларга _____ соатгача қисқартирилган иш куни белгиланиб, йил давомида жами Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараварида моддий ёрдам ажратиш;

11.2.12. уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга 1 соатга қисқартирилган иш куни белгилаш;

11.2.13. саккиз (10-12) ёшгача фарзанди бўлган аёлларнинг илтимосига кўра, ойда _____ кундан иборат иш ҳақи сақланмайдиган ёки қисман тўланадиган дам олиш куни бериш;

11.2.14. нормативда кўзда тутилганидан ташқари ___та цехда (бўлинмада) аёллар учун шахсий гигиена хоналарини ташкил этиш, соғломлаштириш мажмуалари ва дам олиш хоналарини жорий этиш;

11.2.15. **Корхона** маблағлари ҳисобидан ҳомиладор аёлларни тиббиёт муассасалари (сиҳатгоҳлар)да ёки **Корхонага** тегишли санаторий-профилакторийда бепул даволаш.

хуқуқини берувчи иш стажига қўшимча равишда муддати икки ҳафтадан _____ ҳафтагача бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилган таътиллар ҳам киритилади.

4.16. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сонли қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;

б) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармонига биноан тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оилалар вакилларига;

г) ишлаётган пенсионерларга;

д) _____;

е) _____;

ж) _____.

4.17. Таътил учун ҳақ тўлаш таътил бошланмасдан олдинги охирги иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

4.18. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

4.19. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар (1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга, I ва II гуруҳ ногиронларига, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар)дан ташқари яна қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календарь кунга қадар таътил берилади:

а) бетоб оила аъзосини парваришлаётган шахсларга;

б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;

в) ишлаётган пенсионерларга;

г) _____;

д) _____;

е) _____;

ж) _____.

4.20. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жум-

воситаси билан таъминлайди.

4.11. Ходимларни кечки ва тунги вақтларда, шунингдек дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этиш алоҳида ҳоллардагина ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, **Иш берувчининг Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб қабул қилган ёзма фармойишига биноан амалга оширилиши мумкин.

4.12. Йиллик асосий таътил (қонун ҳужжатларига биноан асосий узайтирилган таътиллар ўрнатилган ходимлардан ташқари) барча ходимлар учун _____ иш (камида 15)

кунидан иборат этиб белгиланади.

4.13. Қуйидаги ҳолларда қўшимча йиллик меҳнат таътиллари берилади:

а) меҳнат шароити ноқулай бўлган ишларда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида) _____ кундан _____ кунгача **(6-илова);**

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорига биноан меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун 12 кундан _____ кунгача **(7-илова);**

в) Корхона (тармоқ)даги иш стажи учун _____ кундан ___ кунгача **8-иловага** мувофиқ;

г) раҳбар ва мутахассис кадрларга **9-иловада** келтирилган лавозимлар рўйхатига биноан;

д) оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун _____ кундан _____ кунгача **(10-илова);**

е) _____;

ж) _____.

4.14. Иш берувчи қуйидаги ҳолларда ходимнинг иш ҳақи сақланиб қолинадиган таътил бериш ҳақидаги илтимосини қаноатлантиришни ўз зиммасига олади:

а) яқин қариндоши вафот этганда – 3 кун;

б) ходим ёки унинг фарзандининг тўй маросимини ўтказишга – 3 кун;

в) _____;

г) _____.

Яқин қариндошлар деб ходимнинг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, фарзанди ва унинг турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси ҳисобланадилар.

4.15. Йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътилини олиш

11.3. Икки ёшгача фарзанди бўлган аёлларга болани овқатлантириш учун ҳар уч соатда 30 дақиқадан танаффус берилади, икки нафардан кўп 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга эса ҳар уч соатда 1 соатдан танаффус белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш соатига қўшилиб, ўртача иш ҳақи тўланади. Ходиманинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун ажратилган танаффуслар вақти дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (смена) бошига ёки охирига ўтиши мумкин (Халқаро меҳнат ташкилотининг 103-конвенциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 236-моддасига асосан).

11.4. Болалик аёлларнинг бола ____ ёшга тўлгунига қадар уни парваришлаш таътилида бўлган вақти меҳнат стажига қўшилади ва кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини беради.

11.5. **Касаба уюшмаси қўмитаси** аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашишни ўз зиммасига олади, аёллар меҳнати ва соғлиги муҳофазаси бўйича **Корхонанинг** ижтимоий дастури бажарилишида **Иш берувчига** яқиндан ёрдам беради.

XII. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

12.1. **Корхонанинг** ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

- Халқаро меҳнат ташкилотининг 138, 182-Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

- ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- ёш мутахассислар ва ёш усталар кенгашини тузиш;

- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

- ёш оилалар аъзолари бўлган ходимларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш.

12.2. Қонун ҳужжатларига биноан ва мазкур **Шартнома** мақсадларида:

а) 30 ёшгача бўлган ходимлар **ёшлар** деб ҳисобланадилар;

б) олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва ол-

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: Ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21. 30

Buyurtma Г — 111

22523 nusxada bosildi

1 345